

Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри
Мулоқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#20 09.03.2012



8 март Советлар даврида яшаб, улғайган ҳар бир ўзбекининг ёдида бўлса керак. Бу кунда аёлларни кадрлаб қўшиқ қуйламаган хонанда, шеър ёзмаган шоир йўқдир. Шўролар давридан онгимизга сингиб кетган бу кунни ҳозир ҳам унутмаганмиз ва ҳозир ҳам шодлик билан қарши олаяпмиз.

Европада 8 март дам олиш куни эмаслигини, бу кун оддийгина сиёсий ҳаракатлар куни эканини собиқ Шўролар Иттифоқида билмаган оз бўлмаса керак. Бу билан Европада аёлларнинг кадри паст экан деган фикрга борсак, албатта нотўғри бўлади. Аёллар бу ўлкаларда озод ва уларга эътибор юксак. Аксинча, биргина 8 март кунини аёлларни эъзозлаб, қолган кунларда хўрлайдиган мамлакатларда эса бунинг мутолқ аксини кўраимиз.

Ўзбекистонда ҳам бу кун байрам ва айни шу кунда аёлларга гулдаста тутадиганлар, совға-салом элтадиганлар уларни бошқа кунларда ҳам эслармикан? Албатта улар ҳам аёлларни эслашди, айниқса ўз ҳирсини қондириши учун, ёинки маст-алас келганида ўзининг қандай ботир ва қаҳрамон эканлигини эслатиб қўйиш лозим бўлганида аёлни ёдга оладиганлар кам эмас. Аммо ажаб, юртнинг доимий Президенти, халқни аёл, ёки эркакларига қарамай баб-баробар хўрлаб келаётган Каримов ҳам аёлларни эслаб қолибди. Тагин қайси кунда денг, 8 март – халқаро хотин қизлар кунини!

Албатта бу кун на ўзбек маданиятига ва на Ислому динига хос бўлмаса-да, сал кам юз йилдирки, 8 март кунини байрам қилибмиз-у, аёлларимизни асл кадрини билмабмиз, ёлгонлар сўзлаш билан уларни гоҳида ойга, гоҳида офтобга қиёслабмиз. Аслида эса кун сайин улар хўрлаб келинмоқда ва ҳозир ҳам шу ҳол давом этмоқда. Шундай бўлса-да мамлакатнинг қаттол диктатори аёлларга 7 март кунини ўзининг қизгин табригини йўллабди (<http://uza.uz/uz/politics/20974/>).

“Муҳтарам онахонлар! Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!” – деб бошланади Каримовнинг табриги, – *“Тўзал диёримизга барчамиз соғиниб кутган баҳор нафаси қириб келаётган мана шу нурафшон кунларда сиз азизларни, сизларнинг тимсолинисизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан қизгин табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий туйғу ва тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман”*.

КАРИМОВАЛАРГА 8-МАРТ ТАБРИГИ

Баҳорни нафақат аёлларимиз, ҳатто болалар, эркаклар, қариялар – ҳамма интиқлик билан кутганини айниқса ватандошларимиз инкор этмаса керак. Бу йил ўзбеклар жуда оғир синовдан ўтиб, қиш қанчалар совуқ келса-да, электрсиз ва газсиз қолди. Қанча одам совуқдан ўлди, қанча одам миллат бошига тушган бу касофат президентни қарғамади, сўкмади. Шу сабаб ҳам ўзбеклар баҳорни интиқ бўлиб кутишгани рости. Ҳар неки, ҳаво исийди, жон сақлаш бироз осонлашади ва кимдадир, қандайдир умидлар пайдо бўлади. Аслида Президентда бунақа табрикни нафақат ёзишга, балки ўқиб беришга ҳам ҳафсала йўқ. Уни саройдаги шотирлар ёздаи ва юртбошининг номидан мамлакатда таркатади.

“Барчамизга аёнки, оналарни, аёл зотини эъзозлаш эл-юртимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Бунинг тасдиғини тарихимизда, ҳаётимизда, мумтоз адабиётимизда кўплаб мисолларда яққол кўриш, кузатиш мумкин”, – давом этади “ҳурматлик” юртбоши, – *“Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг “Аёллар – фаршталарнинг опа-сингиллари” деган сўзлари замирида нақадар чуқур ҳаётий фалсафа мужассам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман”*.

Қизик, Ислому Абдуғаниевичнинг-ку аҳволи аниқ, лекин унинг шотирлари Алишер Навоий аёлларни фаршталарнинг опа-сингиллари деганини қайдан олишди экан? Бу билан улар юртбошига суяк ташлаб, ўзига ҳам бир нима ортириб олишини мақсад қилгани аниқ, лекин начора, лаганбардорлик Ўзбекистонда жиноят эмас.

“Биз меҳр-муҳаббат ва одамийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган алла оҳанглиридан оламиз. Қалбимизда неки олижаноб туйғулар”, – дейилади Ислому Каримовнинг табригида.

Меҳр-муҳаббат ва одамийликни Ислому Каримов сиймосида, унинг қизлари сиймосида кўрган борми? Ислому Каримов бешиқда ҳам ётмаган ва она алласини ҳам эшитмаган. Аксинча, ўзбекларимиз аллани кўпроқ эшитиб юборишган шекилли, золим диктаторга қарши на бош кўтаришга яраяпти, на ўз ҳаққини талаб қилишга. Улар ҳукмдорига шунчалар меҳрибонми, ёки ўлғудай кўрқадими?

“Шу фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг кўнглимизда, дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаш жоиз, деб биламан. Биз сизларни – меҳрибон ва мунис аёлларимизни ҳаминша фидоийлик, вафо ва садоқат, нафосат ва латофат тимсоли сифатида улуғлаб келамиз ва умрбод сизлардан миннатдор бўлиб яшаймиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”, – бу Каримов табригидан иқтибоз.

Ҳар доимгидек яна ўша фидоийлик ва вафо, садоқат. Ранг кўр, ҳол сўр дейишади. Каримов даврига келиб ўзбек халқи Чингизхон даврида ҳам кўрмаган зулмни кўрди. Ўша ўрта асрларда ҳам ўзбек қизлари фоҳишалikka мажбур қилинмаганди. Аёл мардикор бозори ўзбек тарихига киритилса (албатта шундай бўлади), бу атама Каримов даври билан бирга қиради тарихимизга.

Ўзбек аёлини дунёнинг турли бурчақларида учратамиз. Бир неча йил олдин Москвадаги ҳожатхоналарнинг бирида боласи билан яшаб келаётган аёл мавзуси ОАВда кенг ёритилганди. Каримов “ғинг” деёлгани йўқ. Бугун эса уларни табриклаб нома йўллаяптилар. Қизик, бу одам билармикан, мана шу хўрланган аёллар Ислому Каримовдан қачон қутиларканмиз, деб орзу қилиб яшаётганини?

Аёллар уйда қолиб, пул топиш учун Россияга, ёки бошқа мамлакатларга кетиб қолган эрларини интиқ кутишмоқда. Яна қай бирларининг эрлари, болалари “террорчи”, “ваххобий”, “ҳизбчи” каби сийқаси чиққан сохта айбловлар билан узок йиллик камоқ муддатини ўташмоқда. Мунис онахонлар, аёллар, дилбар қизлар – буларнинг барчаси бугун сомон каби сарғайган. Фақат Гулнора Каримова, ҳамда Лола Каримовадан бошқалари албатта. 8 Март халқаро хотин – қизлар куни билан ўзбек аёлларини муборакбод этишдан бугун не маъно?!

Президент табригига кўра, мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими 3 марта камайган эмиш ва аёлларнинг ўртача ёши 67 дан 75 ёшга кўтарилган.

Бир неча йилдирки, болалар туғилишининг олдини олиш учун мамлакатда аёлларни бичиб ташлаш компанияси борапти. Демак, бола туғилмаса, албатта болалар ўлими ҳам камаяди.

Бу байрамда ўзбек аёллари нима қиларкин? Қозонида гўшг қайнаптими? Ҳар ҳолда, Гулнора ва Лола учун бундай ташвиш йўқ албатта. Улар ресторанлар, таниқлик хонандалар даврасида маст-аласт ҳолда 8 мартни нишонлайдилар. Ҳа, байрам ўшаларники. Қолганларга табрикнинг нима маъноси бор экан? Наҳотки Каримов учун табрик ёзиб берган шотирлари буни тўшунмаса! Тўшунади, лекин улар ҳам ёлғонлар билан яшашга, ҳаромдан нон топишга одатланишган.

Табрик дегани, азизлар, мана бундоқ бўлади:

**Эй Татъяна, Гулнора ва Лола!
Бу байрам баҳона яйраб қолинг!
Ўзбек халқи кўзголиб қолингнинг!
Этиб қолгунча отиб қолинг!**

Тўлқин ҚОРАЕВ
Швеция

ЗОЛИМНИ ЗУЛМДАН ТЎХТАТИШ - ШАРЪИЙ БИР ВАЗИФАДИР (СИЁСИЙ ФАТВОЛАР)

Замонамизнинг тадқиқотчи-ёзувчи деб танилган дунёнинг бугунги таниқли Ислом олими Муҳаммад ибн Ал-Мухтор Аш-Шанқитийнинг сиёсат ва дин (Ислом дини) ёки бугунги сиёсий фатволар ҳақидаги баъзи фикрларини сайтимизда эълон қилиш, Ҳаракатимиз аъзолари ва Ўзбекистон мусулмонлари, умумийроқ қараганда, Ватанимиз бутун аҳолисининг Ўзбекистон келажаги ҳақидаги тушунчаларига ойдинлик киритиши мумкин деб ҳисобладик.

Муҳаммад ибн Ал-Мухтор Аш-Шанқитий Шимолий Африка ўлкаларидан бўлган Мавританияда 1968 йили дунёга келган. 1981 йилда Қуръони Каримни ёддан биладиганларга бериладиган Қорӣ-ал-Мураттаб унвонини олишга муяссар бўлди. Олим кичик ёшлариданоқ Мавританияда таниқли олимлардан фикх, усул-ал-фикх ва нахвдан дарс олди. У фикх ва усул-ал-фикх мутахассислиги бўйича университетнинг Шариат факультетини битиргандир. Башка бир факультетда ҳам ўқиб, Араб, француз, инглиз тилларидан таржимон дипломини ҳам ёклагандир. АҚШ Алабама штатининг Жанубий Коламбия университетига идорачилик бўйича номзодлик (мастерлик) диссертацияси ва Техас Техник университетига фан доктори дастурини тамомлаб, “Салб юришларининг сунний – шиа муносабатларидаги таъсири” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Муҳаммад ибн Ал-Мухтор Аш-Шанқитий, Америка ва қатор мусулмон мамлакатларида фаолият кўрсатган бир олимдир. Олимнинг бир қатор асарлари нашр қилинган. Улардан баъзилари куйидагилардир:

Судандаги Исломиё ҳаракат:

“Ҳаракатнинг стратегик ва ташкилланиш қарашларига кириш”
Саҳобалар орасидаги сиёсий ихтилофлар: “Шахсларнинг ваколати ва принципларнинг устуниклари ҳақида рисола”

Сиёсий фатволар: “Давлат ва давлат устида диалоглар (суҳбатлар, мулоқотлар)”

“Бошқарув иншоиси ва тадбиқида сиёсий суннат” ва бошқалардир.

Муҳаммад б. Ал-Мухтор Аш-Шанқитийнинг кўп қисми араб тилида, оз бир қисми инглиз тилида 120 дан кўпроқ мақолалари Ал-Жазира, Ислам-онлайн, Ал-аср каби таниқли интернет сайтларда эълон қилинган. У мақолалардан ва унинг асарларидан баъзилари турк тилига таржима қилинган. Олимнинг асарларини турк тилида нашрга тайёрлаган ва чоп этган нашриётнинг муҳтарам Муҳаммад б. Ал-Мухтор Аш-Шанқитий билан ўтказган бир суҳбатини биз ҳам ўзбекчага таржима этиб uzxalqhaqakati.com ўқувчилари диққатига ҳавола қилишни лозим кўрдик.

Кириш ўрнида тушунтириш

Ҳамма ҳам кўлга олавермайдиган, олганида ҳам идишини синдириб қўйиб, ичидегисини тўқиб қўядиган жуда муҳим мавзулар мавжуд. Уларнинг

устида жиддий ишлаш, тадқиқот олиб бориш лозим. Бундан ташқари қатор жавоби қутилаётган ҳаётий саволлар, сўралиши кечиктирилган (кейинроққа сурилган), жавоби эса музлатилган саволлар ҳам оз эмас.

Ана шу чекинишни талаб қиладиган саволлар билан уларга бериладиган маъсулиятли ва жасур жавоблар “Сиёсий фатволар” номли китобни ташкил этгандир. Сиёсий фатволар, ҳамма саволларнинг умумий муфассал бир жавобларини бера олмаслиги мумкин. Аммо у, амалий саволларимиз ва муаммоларимиз нималардан иборатлигини кўрсатади. Кун тартибимиз ва кун тартибидан ташқарисида нималар бор? Биринчи ўринда турганлар фикҳи-қонунлари нимадан иборатдир? Ҳаёт – гурмушнинг ичидан чиққан саволлар, яшаётганимиз муаммолар ва ана шуларнинг барчаси учун зарур бўлган таъқиқлар, зарурий ва мувозанатли жавоблар қабиларни англаганди...

Асар бир мулоқот (диалог) шаклида ёзилганидан саволлар жуда кўп ва жавоблар эса чекли тутилгандир. Бу ерда кўзда тутилган мақсад, саволларга ва муаммоларга диққатни жалб қилиш, керакли эътиборни уйғотиш ва мувозанатли бир яқинлашиш кўрсатишдан иборатдир.

Савол: Исломиё ҳаракатларнинг хизбчилик мантиғи ва тушунчаси доирасида олиб борилаётган даъват ва ислоҳий фаолиятлар, иймон, гоё ва ахлоқий жиҳатлардан қараганда, бутун умматни қамраб ололмаётганлиги каби ўта салбий ҳолларга йўл очмаяптиларми? Сиз булар ҳақида нима дея оласиз?

Жавоб: Ҳизб (бугунги турк тилида бу сўзни “Низир” шаклида ёзишади. Ўзбекчада бу сўзнинг айниси “ҳизб” ёзилади. Аслида тўғриси эса, араб тилида “ҳизб” дир – таржимон изоҳи.) сўзи тилда ва шариатда бир қатор маъноларни англаганди. Имом Ибни Таймийя ҳам кўрсатгани каби фақат сўзнинг (ҳизбнинг) ўзи макталмайди ҳам, ёмонланмайди ҳам (бу сўзнинг ўзи салбийликни ҳам ижобийликни ҳам билдирмайди). Аксинча нимага нисбат қилингани ва қандай мақсадда қўлланилаётганига қараб, унинг аҳамияти, маъноси аниқланади. Бутун мусулмонлар ўзаро боғлиғини йўққа чиқарадиган ёки заифлаштирадиган шаклда, аниқ бир жамоатга боғлиқликни англадиган ҳизбчилик эса, Ислом мақсадлари ва илҳосининг жамоатчилиги орасидаги таъсирини сусайтирадиган, ислоҳотчилар ва умматнинг орасида деворлар иншо бўлишига йўл очадиган таҳликали бир омилдир. Фаолият жиҳатидан мавжуд жамоатларнинг энг яхши тарафларини ҳисобга олиб, бирор бир жамоат ичида Ислом фойдасига меҳнат қилишлик, шунингдек, бутун мусулмонлар билан боғлиқлигини кўриш, уларга ёрдам қўлини чўзиш ва улар билан маслаҳатлашадиган даражада муомалада бўлиш бир масала бўлса; бошқа мусулмонларни бегонасиниб, фақат ўз жамоатига боғлиқ қолиш,

умматнинг ўзларидан бошқа қисмларини доим шубҳалар остида тутиш ва уларга таассуф билан қараш бир хил нарсалар эмас, ахир. Яна бир диққатга сазовор нуқта ҳам мана шудир: Сиёсий фаолият ва давлатнинг ҳар бирининг ўзига мос ва хос алоҳида-алоҳида мантиғи бор. Биринчиси (сиёсий фаолият)га ғолиб келиш мантиғи ҳоким бўлса, иккинчиси (давлат)га инсон(одам)ларни ўзига жалб қилиш мантиғи ҳокимдир. Давлат ва таълим-тарбия фаолиятлари, ва даъватчи бир хил назарда бўладими ёки фарқли назарларда бўлишадиларми, бироқ улар умумхалққа очик бўлишлари лозим, хатто шартдир.

Савол: Воқеа-ҳодисалар ва замонавий ривожланишлар Исломиё ҳаракатни яхшида орқада қолдирди, деб ўйламайсизми? Яъни Исломиё ҳаракат, воқеаларни дарҳол қамраб олиб, уларга таъсир кўрсата оладиган муҳим бўлишдан чиққан ва мустақил исломчилар, исломий муҳтими ва ҳаракатга ҳоким бўлган бош Исломиё фаолият орқада қола бошлади, деб ўйламайсизми, демоқчиман.

Жавоб: Баъзи исломий ҳаракатлар, ўзларининг бир раҳбар (раҳнамо, лидер) бўлиш каби интилишларида ва ташкилотланишида чуқур инкирози бошдан кечирдилар, деб ўйлайман. Исломиё ҳаракатлар орқада қолишда бир метод шаклига келган бўлмасалар-да, баъзи фарқлиликларини кўрсатишмоқдалар. Ғарб жамоатчилигининг исломчиларга кўрсатаётган илмий ва билимга асосланган тажрибаларига қарамасдан, Ғарб мамлакатларида истиқомат қиладиган Исломчиларнинг ақлларини ана ўша ташкиллаштиришда ва режалаштиришда орқада қолиш зехнияти, қамраб олганлиги ҳайрон қолдирадиган бир манзарадир. Америка шаҳарларидан бирида бир Исломиё ташкилот тузилиши таъсис мажлиси (конференцияси)да қатнашишимга тўғри келди. Мажлисни ташкил қилганлар, ташкилотни бошқарувчиларнинг бошқарувда умрбод қолишлари ёки уларни маълум муддат орасида янгидан сайлаш имконияти бўлишига ҳақида тортишдилар. Бу ахвол Америкада эмас, худди Сталиннинг давлатида содир бўлаётганга ўхшарди.

Бундай тушунчалар орасида умматнинг ҳаракатдан илгаридида бўлишида бирор ҳайрон қоларлик бир вазиятни кўрмаймиз. Мустақил исломчилар баъзан ҳаракат ташкилотчиларидан янада фаол ва таъсирли бўла олишмоқдалар. Ҳаракат эса, ё бошқаради ёки оёкка тушов бўлаяпти. Иккисининг орасида бирор тўхтам йўқдир. Бироқ бу, жамоат фаолиятидан нусха ўларок идрок этилмаслиги лозим. Мен Оллоҳ қўли жамоат билан бирликда бўлганига инонаман. Бундан менинг қасд этганим, ишлатиладиган механизмларнинг ва ижроларнинг мутлақо кўздан кечирилиши лозимлигидир. Бу масалани мен “Мусулмон биродарларнинг лидерлик инкирози” номли мақолада бир мунча батафсил ёритганман.

ЗОЛИМНИ ЗУЛМДАН ТЎХТАТИШ ШАРЪИЙ БИР ВАЗИФАДИР (СИЁСИЙ ФАТВОЛАР)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Савол: Исломий ҳаракатларнинг ҳукуматлар билан муносабатларини қандай баҳолайсиз? Уларнинг ҳукуматларга нисбатан ҳозирги муомалалари, энг уйғун бўлганларими?

Жавоб: Ҳукуматлар билан муносабатлар, макон шартларига боғлиқ бўлган ва уларга кўра қараладиган масаладир. Бу масалага оид ва барча Исломий ҳаракатларга уйғун бўладиган назарий қоидалар белгиланиши имкони йўқ. Бу олдинга сурила олмайдиган катта бир иддаодир. Шунингдек, қоидаларга умумийлик ва доимийлик берадиган бир ҳукм чиқариш, уларни ғояларга айлантиради ва қўлланишдаги зехният ва амалий мослашувчанликни, тадбиркорликни сусайтиради, ҳатто йўқотади. Бу вазият, Исломий ҳаракатларнинг бу соҳадаги тажрибаларига нисбатан салбий бир муносабатда бўлиш ва “Макка халқи унинг йўлларини янада яхши билади” қабилида иш тутиб, бу салбий муносабатларни кўздан кечирмаслик ва баҳолашга йўл очмаслик лозим, каби тушунчага келтирмайди, албатта. Аксинча улардан келажакка лозим бўлган дарс олиниши ва бирор нарса қозониш учун ҳар бир тажриба ўрганилиши, ижобий ва салбий тарафлари аниқланиши зарур. Умумий ҳолда мен, ҳокимият бошқарувчилари билан мумкин бўлганча тинч, муносабат-мулоқотларда бўлишни тавсия қилувчиларданман. Чунки шундай қилинганда, яна-да озрок аччиқлар ва ҳақ(бадал)лар ҳисобига айланиш (ўзгариш)нинг ҳақиқатга айланишини таъминлаш мумкин бўлади. Бу уммат учун ҳам яна-да шафқатли бир йўлдир. Шу билан бирга мен бир тарихий қаноатга ҳам эгаман: Мутлақлик (абсолютизм) га асосланган ўғит берувчилар, зolim бошқарувчилар зулмларидан енгиллик билан қайтмайдилар. Уларнинг ҳақсизларча ишғол этган бошқарувдан воз кечишлари амри маҳолдир. Кишилarning бир қисми, уларнинг бошқа қисми тарафидан йўқ қилиниш суннати, сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги Оллоҳ суннатларининг энг муҳимларидан биридир. “Агар Оллоҳ, инсонларнинг бир қисми ёмонликларини, бошқалари тарафидан саналадиган қилиб қўймаганида эди, ер юзи остин-устин бўлган бўларди.” Золимни зулм қилишдан тўхтатиш шаръий бир вазифадир. Уммат эса, тушуниши ва қабул қилинишига кўра, бу вазифани бажармаганларича кутула олмайдилар. “Одамлар золимни кўриб, унга тўсиқ бўлмаганларича, уларнинг ҳаммасига Оллоҳ юборадиган бир жазо яқин бўлади”, дейилади саҳих ҳадиси шарифда.

Савол: Бугун Исломий ҳаракатларни танқид қилиш, ўзини билмайдиган бир ёзувчи (ёки газета мухбири ва умуман айрим оммавий матбуот мухбирлари) учун шухрат келдирадиган жуда қулай йўл ҳолига келди. Исломий ҳаракатларни танқид қилишлар, исталган натижани бериши ва ҳолисона, оғиз кўпиртиришдан ва шахсий гина-қудуратларни

тўкиб олишдан узоқ бўлишини таъминлайдиган бирор бир усул, йўл борми?

Жавоб: Танқидлар ана ўшандай бир шакл(усул)да бўладиган бўлса, улар йикитувчи эмас, балки тузув(тузатув) чи бўларди, шаръи адаб доирасида етук ва самимий насиҳат даржасига кўтариларди. Танқидлар ташвиқ қилинаркан, уларнинг соғлом фактор бўлиши кўзда тутилади. Қуёш нурлари тушадиган жойларда жуда кўп хил микроблар яшай олмайди. Шунга ўхшаш ёмон ниятларда бўлса-да, танқидлар исломий ишларга хизмат қилади, қалбларда яширинга ётган туйғуларни ҳаракатга келтиради ва турғун ақлларни тетиклаштиради деб ҳисоблайман. Бу жони борлигини, ҳаётни, яшаётганликни билдирувчи бир аломатдир.

Ўзни тўлик етарли деб билиш, жим туриш (сукут сақлаш) ва бир-бирига озор беришга чидаш одати эса, ўликликнинг айнан ўзидир. Билганлик келтирадиган ташвишлар, билмаганлик берадиган тинчлик ва ҳузур-ҳаловату роҳатдан хайрлидир. Утмишда шундай деганлар, “Ақлли киши, неъматлар ичида ақли билан бахтсиздир,” “Жоҳил эса, бадбахтлик ичида бахтлидир.” Танқид қилганлар орасида буни шафқат билан қилганлар ҳам, танқид қилинаётганни йикитиш ниятида қилганлар ҳам бўлади, албатта. Бузғунчи ким ва ислоҳ истаган кимлигини ажратадиган Яратганнинг Ўзи – Оллоҳдир. Бизга тушадигани эса, ҳақли, ўринли танқидларни қабул қилиш ва ниятларни эса, яъни яширин ниятларни биладиган Оллоҳу таолога ҳавола этишдир.

Савол: Ислom йўлида ишлаётганларнинг баъзилари уммат савиясида ўртага қўйилган иш натижаларининг заиф бўлганлигига ишонганлари ёки шундай деб ҳисоблаганликлари, ёки жамоат бошқарувчиларидан ўзларига жуда оз маълумотлар берилаётганлиги учун жамоат ишларининг лозим-лигига шубҳаланадилар. Шахс даражасида бўлсин, жамоат бошқарувининг ҳодимлари даражасида бўлсин, ишқилиб жамоатларда ишлаётганларга қандай тавсияларингиз бор?

Жавоб: Асосан шулардир: Жамоат фаолиятлари, шаръан талаб қилинмоқда ва мавжуд шартлар ҳам бунинг кераклигини кўрсатмоқда. Динига боғлиқ бир мусулмон сифатида насиҳатим: шахс ёки жамоат шаклида бўлишдан қатъи назар, улар Ислom йўлида фаолиятда бўлган ҳар бир киши билан яхши алоқада бўлишлари шарт. Баъзи исломий ҳаракатларда бошқарув ёки тадбиқот жиҳатидан сен рози бўлмайдиган бирор нарсаларни кўрсанг-да, бироқ диққат қилиб қарасанг, ўша ҳаракат ичқарисида сени мамнун қиладиган бир қатор тарбия ва маданий ўрнакларни ҳам топсан ...

Турли хил мазҳаблари ва йўналишлари билан биргаликда барча мусулмонлар билан дўстлигингни сақла. Ислom йўлида ишлашни ўзинг боғлиқ бўлган каналлар ва ташкилотлар билан чегаралаб қўйма.

Аксинча улар ва бошқалар билан ҳам бирга дўстона иш олиб бор... Бирор жамоатга боғлиқлик ва ўзаро мусулмон дўстлиги фарқли нарсалардир. Сенинг бирор жамоатга боғлиқлигинг, сен фаолият кўрсатадиган бошқа жамоатлар ва шахслар билан дўст бўлишингга тўсиқ бўлмаслиги лозим ва бўлмайди. Ваҳоланки, ҳар бир мусулмонга дўстлик ва самимият кўрсатилиши мусулмонликнинг аломатидир. Ҳар бир жамоат (жамият)да мавжуд бўлган энг яхши тарафига кўра қардошлик қил. Жамоатда ишлаш билан бирга одамлар орасида ҳам бўлишга ҳаракат қилишга урин. Шахсий ҳаётингга маъно берадиган шахсий бир даъват лойиҳанг ҳам бўлсинки, Оллоҳу таоло ҳузурда бирор узринг бўлсин. Фақат жамоатга ёки унинг бошқарувига керакли бўлиш учун ишлама. Ўртага чиқ ва ташаббускор бўл. Доимий амр қилишини кутиб ўтирма.

Олим билан суҳбатда бўлган муаллиф унинг бугунги Америка ҳақидаги сўзларини тубандагича ифодалайди: Мана сизга Америка ... Дунё мусулмонларининг (ёки ҳатто инсониятнинг) бош балоси бўлган Америка ҳақида бирор сўз айтиш, кейинги вақтларнинг машхур ишга айланаркан, тўғри изоҳлар ифодалайдиган фикрлар билдириш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайдиган бир вазиятга айланди... Бу нуқтада АҚШ Обаманинг ҳокимиятга келиши билан яхши умидларга берилган кишиларга Шанқитийдан нохуш хабарлар бор. У дейдики, “Америкада демократлар (ҳатто Обама каби илмиллар) Исроилга ошиқдилар. Республикачи (лочин)лар эса, Исроилга сиғинади (сажда қилади) лар ...” Устоз олим, ошиқ бўлиш ва сиғинишнинг орасида ягона фарқ борлигига диққатни қаратиб, исломий сиёсат принциплари йўқларининг ва шаръи азалийликларнинг йўқотилиши оқибатида сиёсат фикри мумкин қадар қучлансизлангани ва мусулмонлар, шундай йўл билан бошқарилиши лозим дейилган кўрсатманинг қурбони бўлганларини алоҳида таъкидлайди. Муҳтарам устоз Шанқитийни мутлақо ўқиш лозим ... Бироқ сизга ёки қолган ва ўқилиши жуда аҳамиятли ҳисоблаганингиз бир китобни бошқаларга таништириш сингари қийин иш йўқдир деб ҳисоблайман. Зеро ҳар бир изоҳнинг устида алоҳида-алоҳида тўхташ, ўзингиз ҳис-ҳаяжонингизни бошқаларга ўтказишни ҳис этиш бўлади. Шанқитийнинг “Сиёсий фатволар” китоби ҳам ана шундай нусхалар қаторига қиради ... Шунинг учун бу хабаримизни бир китобни танитиш кўринишида эмас, балки Устоз Шанқитийнинг ўзини танитишга баҳоли қудрат уриниш бўлди, десак тўғрироқ бўлади. Буёғи, яъни китобни ўқиш ва устоз Шанқитий билан чуқурроқ танишиш эса, кадрли ўқувчиларнинг ўзларига боғлидир ...

Исмоил Думан

<http://www.birazoku.com/siyasi-fetvalar/>
Туркчадан Алибой Йўляхши таржимаси.

ҚЎРҚОҚЛИК ХАСТАЛИГИ ВА УНИНГ ШИФОСИ

(Ўзбекистонда оммавий равишда тарқалаётган “Халқ нидоси” ва “Қуролсиз кишининг озодлиги” фильмларини кўриш учун қўлланма)

Мазкур мақолани ёзилишига “Халқ нидоси” ва унга ўхшаган мухолиф фикрли фильмларнинг халқ орасида тарқалиш жараёнида ўртага чиққан психологик вазиятлар сабаб бўлди.

Бу фильмлар ёзилган дискларни бир-қанча мусулмон биродарларимиз олиб, фильмни кўрқанидан охиригача кўра олмай, ташлаб юборганлари, бошқа бирлари эса фильм нима ҳақида эканини билгач, бизга ёвқараш қилиб, дискни олмай, кўрқоқлик қилганларини кўриб, халқимиз ҳали ҳам ижтимоий жиҳатдан етишмаган норасидами, деган хаёлни туғдирди. Гарчанд мен ўзбекини ерга уриб, лаззатланадагин сохта “ватанпарвар”лардан эмасман.

Кўрқоқлик асли нима?

Нима учун ўзбекдаги бу иллат миллатнинг аянчли фожеасига айланди?

Кўрқоқлик оқибатида бу миллат номусидан жон-томиригача айрилаётгани, ёру-дўсти, аёли, ҳатто ўз қизлари учун туриб бера олмайдиган, ориятсиз халқ даражасига тушиб қолганлигига сабаб нима?

Нима учун ўзбекка “ўзбек – кўй” деса иккинчиси, гўё бу гап ўзига тегишли эмасдек, “ха, кўй” дейди?

“Кўй” эканидан ҳеч орданмаслигининг сабаби нима? Кўрқоқлик хасталигини келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиб чиқайлик.

1. Генетик сабаб: Бу иллатнинг сўнгги даврий босқичи шўро ҳукумати оёкка мустаҳкам туриб олган ўтган асрнинг машъум 37-йилда бошланган. Ушанда миллатнинг жавҳарлари бўлган сиймоларни аёвсиз сотганимизда бошланиб, 1941 йил “Улуғ Ватан уруши” деб номланган давргача давом этган.

Шўро даврини ёлга олсак. “Ватан уруши”га аксарият халқлар, хусусан ўзбек халқи, ҳам кўнгилларидан қаторида фронтга кетишган дейилар эди.

Бунга чиппа-чин ишонганман. Чунки, масалан, актёр Хамза Умаров ёшени бир-неча йилга катталаштириб фронтга кетгани-ю, менинг амакимни фронтга олиш учун қакирув хати келганида, дадам харбий комиссариатга бориб “акамини оиласи фарзандлари бор, акамини ўрнига мен фронтга бораман” деганларини ўйлаб, ростдан миллатимизнинг аксарияти урушга кўнгиллилар қаторида кетишган деб билардим.

Афсуски, бундай бўлмаган экан. Яқинда тўксон ёшга яқинлашиб қолган бир мўйсафид намозхон билан шу мавзуда суҳбатлашдим. Фронтга олиб кетиш учун харбийлар хонадонга келишса, фронтга кетиши керак бўлган ногўл йигитлар ўрага тушиб яшириниб олишлари, бармоқ кесишлар, фронтдан қолиш учун жон талвасасида “брон” олишга уринишлар ўша даврда оммавий тус олган экан. Бугунги кунимизга келиб, кўрқоқликнинг суяк суриш касали шу даражага етди-ки, кассоб кўрадаги кўйларни семизини танлаб, биттама-битта сўя бошлагани каби, бу кассоб ҳукумат бизни ҳам кўрадаги озгин-семиз кўйлар холига келтирди.

Ҳатто ўзини президент қисоблаб юрган қаллоб (самозванец)нинг афти-ангорида на раҳм, на бир нур, на бировга яхшиликни раво кўриш аломати йўқлигини билсак-да, миқ этмаймиз. Мамлакатни шу даража аянчли аҳволга солган бўлса-да, унга ҳамду-сано айтишдан ўзимизни тия олмаймиз. Шоир айтганидек:

Тахтга яқин турса ялтоқ ва кўрқоқ
Бундай мамлакатга офат керакмас.
2-сабаб Тинчлик паранояси:



“Мен тинчман... Куним бир нави ўтиб турибди... Бошқаси билан нима ишим бор?”, фалсафаси. Яъни худбинлик, ўзидан бошқага қайишмаслик.

3-сабаб. “Бу мустабид ўта ваҳший. Адолат талабида уюшиб, кўчага чиққанини автоматда кириб ташлайди”, деб юраксизлик қилиш.

4-сабаб. Умидсизлик, лоқайдлик, қатъиятсизлик. Чақув ва айғоқлардан ҳайқиш натижасида биқиқлашиш.

5-асосий сабаб. Эътиқодсизлик ёки иймоннинг ўта заифлиги.

Пайғамбаримиз Мухаммад с.а.в. айтган “учинчиси – ёмонликка ичингизда қаршилик қилинг, бу иймоннинг энг заифидир” деганларидан ҳам баттар заиф иймон. (бу ҳадис машхур бўлгани учун тўлиқ келтирмадим) Чунки ҳозирги пайтда ёмонликка ҳатто ичимизда қаршилик кўрсатиш ҳақида ўйлаб кўришга ҳам қодир бўлмай қолганмиз. Нега-ки, биз аслимизни, Аллоҳ бизни бу дунёга келтиришидан асл муддао нима экалигини аллақачон унутиб қўйганмиз.

6 сабаб...

Майли... Шу ерда тўхталик...

Ҳисоблайверсак санокда адашамиз.

Кўрқоқликнинг зарарли оқибатлари

Миллат сифатида кадр-қиммат, ору-нафсоният мутлақо йўқолади; Келажақ авлод, фарзанди-зурриётлар адолат ҳақиқатгўйлик ёт бўлган юртда хорликда, кашшоқликда, мустабид ҳокимият сиқувида умрбод қолиб кетишини жуда яхши англаб турса-да, “на илож” деб бандасига қулликни ўзига ҳам зурриётларига ҳам раво кўради; Золимни “худо” деб тан олиб, унга “иймон” келтириб қўйганини одам ўзи ҳам сезмай қолади; Миллат таҳқирланса-да золимни яна мактаб жирканч аҳволда қолинади; Яъни биз ўзбекларни қанча тепса, ўша тепган оёқни шунча иштаха билан ялаб, яна уни тотли эканини оламга ёямиз; Асосийси ибодат-у, дуо-илтижолар қабул бўлмай, оқибат қиёматда Аллоҳ хузурида шармисор бўлинади.

Кўрқоқликдан шифо топиш

муолажалар мажмуи ва мазмуни

Авалло, ҳар бир киши ўзидаги бу хасталик қай даражада эканлигини ўзи учун хуфий тарзда холисона аниқлаб олиши керак.

1. Чумчуқ пир этса, юраги шир этадиган ёки ичи шир кетадиган аширқоқмикми?

2. Ёинки бу ҳукуматга қарши бўлиш кераклигини билади-ю, лекин апрофитадиларга ҳеч қачон ишонмай қаттиқ ҳадиксирайдими?

3. Ҳокимиятни қонунга ҳилоф равишда эгаллаб турган мустабид, маҳкумлар ва мазлумлар устидан чексиз жабр-зулми эзишдан қаттиқ нафратда-ю, лекин бирор куч буларни енгишига ишонмайди? Ёки юрт ичида зулмга қарши пинҳон курашаётганларга қўшилиши беҳуда ўзини қурбон қилиш деб ҳисоблайди? **Биринчи** тоифа беморларни даволашдан наф йўқ. Чунки улар хасталикнинг оғир сурункали бедаво хилига йўлиқшган.

Буни хавфли томони у ўта юқумли ҳамдир.

Яъни булар қулликдан орланмайдиган келажаги йўқ, қуллик учун яратилган авомдир. Яхшиси, хасталикни бу даражасини СПИДга ўхшаб, юктириб олмаслик учун профилактика мақсадида улардан етти маҳалла наридан айланиб ўтиш керак. (оббо-о! мутлақо соғ маҳаллани қайдан топамиз). Хуллас ўзимизни бу тоифа беморлардан эҳтиёт қилишимиз керак.

Иккинчи тоифага ҳам бошқаларига ҳам биринчи навбатда шунини тавсия этамиз-ки, аввало Иймонимизни мустаҳкамлаш. Миллатимиз учун иймонни мустаҳкамловчи бугунги кундаги энг асосий омил – мустабидларга қаршилик қилиш туйғусини шакллантириш. Ҳозирги вазиятда золимлар халқнинг эркак жинс қисмини маънавий ахта қилишга минг уринишмасин, миллатимизда бу туйғу томир отмас экан; намозхон биродарларнинг бутун ибодат-у илтижолари мутлақо қабул бўлмаётган бўлиш хавфи борлигини чуқур ҳис этмоқ. Зулм ва зулмлик дину-диёнатимизга ашадий дошман эканини буткул англаш. Кўрқоқлигимизни ўзи динимизга душманлик эканини, мунофиқликдан ҳазар қилмаётганимизни англаш. Кўрқоқлиги учун ўзидан ҳазар қила билиш лаёқатини тиклаш ва бундан қутулиш учун чора ўйлаш (ҳеч бўлмаса, “Озодлик”, “Америка овози”) ва шу каби радиостанцияларга интервью беришга руҳимиз етмаса-да, жуда бўлмаганда шуларни эшитиб туриш учун ўзда куч топа билиш) Кундалик тирикчилик юмушларини бажариш қанчалар зарур бўлса, кўрқоқлигимизга қарши курашиш шунчалар зарур эканини англаш. Ўз кўрқоқлигига қарши курашиш бу переспектив тирикчиликнинг (дориломон кунларда) энг афзал йўли ва ҳақиқатгўйлик қоидаси эканини билиш. Бу миллат учун фақат кўрқоқлигига қарши кураша олгангагина Аллоҳ розилигига эришиш мумкинлигини англаш.

Учинчи тоифадагилар учун: Бу тоифадагилар аввало турмуш ўртоқларига, фарзандларига, ака-укаларига анча кексадий қолган бўлса набираларига, жияларига мазкур режимга асосланган давлатда истиқомат қилиш фақат хўрлик ва фақат қуллик келтиришини тушунтириш. Кейинроқ эса буни синовдан ўтган ишончли қўшнилари, дўстларига, яқин танишларига, қудаларига (Йўқ... Қудалар тўғри келмайди. Ўзиники ҳам қўштирнок ичидигиси ҳам) айтиш. “Қирқ кун қирғин бўлса, ажали етган ўлади” нақлига амал қилишни ўрганиш. Қадар ва қазага шубҳа билан қарамаслик. Чин мусулмон ва ўзини адолатни севувчи деб билган киши асл иймон ҳаловатини, мутлоқ қалб хотиржамлигига эришишининг ҳозирги вазиятда ягона йўли зулмга қарши курашиш учун уюшмоқликни чуқур англаб етиш. Очiq курашиш мумкин эмас экан, маккор давлатимизга ўхшаб, унинг ўзига яраша йўл тутишимиз зарурлигини билиш. Шунчаки эмас шиддат билан жад билан маънавий маънода буюк саҳобалар Ҳазрати Умар, Ҳазрати Али, Жаъфар, Зубайр, Талха каби бўлишга интилишни ўйлаб кўрмоқ. Тушқунликка берилмай, “ИАК кетса эшак келади” демай, “Аллоҳнинг айтгани бўлади, адолат қачондир, албатта тантана қилади” деган кайфиятни шакллантириш. Хулоса қиладиган бўлсак: Айнан шуларга амал қила билсаккина, Аллоҳ қўлларимизга “зулфикор”ни туткизади. Мард жасур эркаклик туйғуси албатта руҳимизга қайтади. Башарият кўз ўнгиди, муҳими келажақ авлод олдида иштонига сузма халта қилган гудақка ўхшаб мўлтайиб эмас, ўзимизни Алл эркакдек тутишга ҳақли бўламиз. Асл эркаклик нашъасини ҳис эта оладиган бўламиз.

Сурхондарёлик Ғайрат

УОЛЛ-СТРИТ, МАНЕЖНАЯ ИЛИ ПЛОЩАДЬ ТАХРИР?



Слово “демократия” стремительно теряет свою магию (притягательность). Настолько, что все чаще бывают случаи, когда нам неловко произносить это слово. Возможно, оттого, что тут же, рядом это слово употребляют и диктаторы, причем с высокой трибуны Брюсселя или Лондона. Глядя на Запад, мы затыкаем уши, потому что оттуда слышны омерзительные голоса наших могильщиков демократии, воспевающих усопшую.

Я говорю о той демократии, которую в 1987 году Рональд Рейган перебросил через Берлинскую стену на Восток. Незадолго до того, как вышел из 27 летнего заключения Н.Манделла. Незадолго до того, как появилась на стене Пражского Града тень политзаключенного Вацлава Гавела. И мы, граждане СССР, патриоты своих “15-ти суверенных республик”, испытывали безоглядную веру в западные ценности и не хотели слушать ни о какой альтернативе, кроме Западной демократии.

Взирая с высоты этой эйфории, мы были уверены, что Запад ждёт и не дожждётся, чтобы нас – угнетённые народы! – прижать к своей надутенной парфюмом свободы груди. И когда пал Советский Союз, мы облегченно вздохнули, думая, что упало главное препятствие нашему свиданию со свободной Европой. Мы в один день стали “независимыми государствами”.

Прошли первые всеобщие выборы в этих государствах. На выборы пригласили наблюдателей из Запада. Делегации сенаторов и конгрессменов, увидев подтасовки выборов, сказали что “это нормально, радуйтесь тому, что есть выборы вообще, пусть с фальсификацией, но они проходят”. Мы не верили собственным ушам. Они звенели. Это была первая оплеуха, полученная нами от нашей возлюбленной — демократии. Это был наш первый опыт двойного стандарта в политике.

Запад горячо уверял нас, что мы пока не достойны большего, нам вполне достаточно этой бутафории на данном историческом отрезке. Исторический же отрезок действительно был своеобразным:

коммунистические боссы, за 24 часа превратившись в антикоммунистов, поднялись на трибуны и поклялись – кто на Библии, кто на Коране – что они до конца жизни будут защищать интересы этих независимых государств. И они сдержали свое слово: в течении 22-х лет ни один из них не отлучился от поста – на который, как они уверяют, поставил их народ – и продолжают “защищать” “интересы народа”. Отлучить их отсюда может только революция, государственный переворот или, в лучшем случае, смерть.

В такой ситуации Россия, как бывший центр империй (Царской, потом Советской) занимает исключительное положение.

Точнее говоря, она стала занимать такое положение. Дело в том, что с первых лет так называемой независимости наших государств, у некоторых сложилось мнение о том, что Запад поддерживает народ, а Россия – диктаторские режимы. Действительно, Россия все эти годы поддерживала эти режимы и не играла ни в какие демократии.

Но когда геостратегическая борьба за Центральную Азию (ЦА) достигла своего апогея, Запад неожиданно отрекся от всех своих требований демократии и прав человека, отменил свои санкции к диктаторским режимам и встал в один ряд с Китаем, который был ярким сторонником и помощником этого режима.

То есть, Запад обогнал Россию на повороте и вышел на финишную прямую в гонке за влияние в ЦА. Нет сомнения, кто бы ни был победителем президентских выборов в России, он всеми силами будет пытаться взять реванш за утраченные позиции в этой схватке.

Мы за того, чтобы Россия активно участвовала в уравнивании баланса сил в ЦА. Это очень важно, при усиливающемся Китае, его бесшумной гражданской экспансии в западном направлении.

Что касается либерализации наших обществ, скепсис по отношению к Западу, его принципам демократии и свобод, продолжает усиливаться среди сторонников изменения статуса-кво в странах ЦА.

Думается, народы ЦА в процессе пробуждения и в борьбе за свободу с диктаторскими режимами больше вдохновятся позитивными сдвигами в России, нежели движением “Захвати Уолл-стрит”, даже “Арабской весной”. То есть, Россия для постсоветского пространства не только продолжает оставаться одним из главных субъектов, с которым так или иначе считаются, советуется, дружат “во имя национальных интересов”, но и объектом социального подражания.

Мухаммад САЛИХ

“ЭРКИН ЮРТ” В ТАШКЕНТЕ



В Ташкенте начала свой старт пропагандистская кампания Народного Движения Узбекистана, оппозиционно настроенного существующему режиму. Исходя из существующей информации, Движение это организовалось в мае прошлого года в Берлине и сразу привлекло внимание тем, что впервые за многие годы вобрало в себя сразу несколько довольно разных по духу и идеологии организаций. Многие вздохнули от того, что наконец-то разрозненная узбекская оппозиция объединилась во имя одной цели, но за это время очень многое произошло как негативного так и позитивного. Негативного это то, что было совершено уже два покушения. Погиб один из активных участников, а также было совершено покушение на известного Имама Обидхона Кори, который до сих пор лежит в коме. Оба покушения были совершены в одном и том же стиле. Из организации, испугавшись давления, вышла организация Андижанцев. Но как говорится, не бывает побед без поражений и поэтому сегодня мы стали свидетелями того, что организация не только не развалилась и опустила руки, но и вошла в свою следующую стадию - пропагандистскую. История, которой наша группа так интересуется показывает, что применение даже самых жестких репрессий не может ликвидировать подполье. Подполье перестает существовать либо с изменением социально-экономических условий или же в связи с победой подполья над правящим режимом. Время покажет, а пока случайно попавший на базар наш активист снял на телефон, то что произошло сегодня на Чорсу базаре.

Молодежная организация “Чулпан”



ДЕМОКРАТИЯ ЯШАШ ТАРЗИ ЭМАС, БАЛКИ ЯШАШ ТАРЗИНИ ТАНЛАШ УЧУН БЕРИЛГАН ҲУҚУҚДИР...



“Халқ демократияга тайёр эмас”, деган гап билан “демократия – куфр низоми” деган гап орасида ўхшашлик куринаётми? Ҳар ҳолда, бу иккита гапнинг ҳам демократияни рад этишдаги ўхшашлигидан бошқа яна бир ўхшашлиги бор, бу – халққа ҳурматсизликдир. “Халқ демократияга тайёр эмас”, деяётган Ўзбекистон президенти И. Каримовнинг гапида ҳам, “демократия – куфр низоми” деяётган Хизбут Таҳрирнинг гапида ҳам халққа эркинлик берилса, у қутуриб кетади, шунинг учун ҳам уни бир ҳайвон сингари доим назорат остида, эркинлик бермай ушлаб туриш лозим, деган фикр ётади.

Қаримов демократия келса, Ўзбекистонда Тожикистондагидай тўполонлар бошланади, деса, хизбутчилар демократия келса, Овруподаги каби бузуқчиликлар бўлади, деб ҳисоблашади. Аммо ҳеч ким Каримовдан “нега сиз демократиянинг оқибатларига мисол тариқасида ҳеч қачон демократик тузум ичида яшамаган Тожикистонни ибрат қилиб кўрсатасиз-у, аммо ривожланган Ғарбий Оврupo давлатларини мисол қилиб келтирмайсиз?” деб сўрамайди.

Айни шаклда ҳеч ким хизбутчилардан “нега сиз ғайри исломий жамиятларда танланган яшаш тарзини мусулмон бир жамиятга кўчириб, ҳукм чиқараясиз?” деб сўрамайди. Ҳеч ким уларга “демократия – яшаш тарзи эмас, демократия танлаш ҳуқуқидир ва жамият ғайри исломий жамият бўлса, ғайри исломий қадриятларни ва аксинча, агар жамият асосан мусулмонлардан иборат бўлса, у ислом қадриятларини танлайди”, демайди. Ҳеч ким улардан “демократия халқ ҳокимияти экан, нега сиз мусулмон

бўлган ўз халқининг эркинлигидан кўркасиз, нега сиз ўз халқининг мутлақо куфрни танлашига бу қадар аминсиз?” деб сўрамайди.

Демократия яшаш тарзи эмас, балки, яшаш тарзини танлаш учун берилган ҳуқуқдир. Демократия қонун ҳам эмас, балки, қонун чиқариш учун халққа берилган ҳуқуқдир. Бунинг яққол мисолини бугун демократик инқилобга эришган Мисрдаги воқеалар мисолида кўриб турибмиз. Мисрда халқ демократик йўл билан узоқ йиллар давомида бутун дунё тарафидан “экстремистлар” дея ола-бўжи қилиб кўрсатиб келинган “Мусулмон биродарлар” жамоасига озвон берди. Бу – Мисрдаги демократиянинг маҳсуллари. Яъний, Миср халқи демократик йўл билан мустабид ва ҳаромхўр бир режимдан қутулиб, ўзи истаган бир сиёсий ҳаракатга озвон берди. Бу воқеа демократиянинг асло куфр низоми эмаслигини кўрсатувчи далилдир.

“Демократия – куфр низоми” деган гап “озодликка эришган мусулмон мутлақо кофир бўлади”, деган гапдан бошқа нарса эмас. Майиший ҳаётда бир режимга – у ҳоҳ халифалик бўлсин, ҳоҳ толибон кўринишидаги бир тузум бўлсин ва ёки Ҳусни Муборак диктатураси бўлсин – тобеликнинг Аллоҳга қўллик туйғусига ҳеч алоқаси йўқдир. Худди шундай – демократик тузумнинг ҳам бу туйғуга алоқаси йўқ. Демократик тузумда ҳар бир халқ ўз яшаш тарзини, анъана ва диний мансубияти, урф-одатларини назарда тутган ҳолда қонунлар чиқаради ва бу қонунларда мусулмон жамият бўлса, ислом қадриятларини, кофир жамият бўлса, куфрий яшаш тарзини белгилаши мумкин.

Демократия орқали хатто мусулмон жамиятларда халифат қуриш эҳтимоли ҳам йўқ эмас, энг муҳими, бунинг муҳимлигига овоз берувчи аҳолини ишонтира олишдир. Масалан АҚШдаги насроний мормонлар демократик йўл билан локал бир ҳудудларда ўз “халифалигини” қуриб олганини кўришимиз мумкин. Уларнинг сони ҳозир 5 миллионга етган ва улар келажакка умид билан боқиб, ўзларининг бутун дунёни “қутқарувчи кучи” эканлигига ишонмоқдалар. Бундай диний эркинликка улар фақат демократик йўл билан эришганлар.

Хуллас, демократик йўл билан хатто Гитлер каби фашист ҳам ҳокимият тепасига келиши мумкинлигини тарих кўрсатди. Бу ерда нега мусулмон жамиятларда узоқ йиллардан бери Ғарб билан яқин дўст бўлган диктаторлик тузумлари ҳукм суриб келди, нега доим демократиянинг йўли тўсилди, деган савол ўринли бўлади. Бир исломий жамият эркин бўлса, нима қилади, албатта, исломий бир жамият қуришни истайди. Мусулмонларнинг нега узоқ йиллар мобайнида демократиядан узоқ тутилгани сабабларини шу ердан излаш керак эмасми?

Халқнинг иродаси буюк кучдир. Фақат бу ироданинг намоян бўлиши учун мутлақо демократия, эркинлик зарурдир. Албатта, бу ерда хизбутчилар яна “халқнинг эмас, Аллоҳнинг иродаси билан яшаш керак,” дея эътироз билдиришлари мумкин. Агар мусулмонлар ҳеч нарса қилмай, қўл қовуштириб ўтираверсалар, Аллоҳнинг иродаси қай шаклда ер юзиде ўзини намоян қилади? Инсонга Аллоҳ ато қилган жузъий ирода Аллоҳ иродасининг воситачисидир, буни тан олмаган инсонлар пайғамбаримиз(с.а.в) пайтида ғордан чиқмай, фақат тоат-ибодат билан машғул бўлиб, кўкдан Аллоҳнинг неъматини ёғилишини кутиб, очликдан ўлишга сал қолган бир зоҳиднинг ҳолига тушган бўлардилар. Аллоҳ инсонни ҳур қилиб яратгандир, фақат озод, ҳур инсонгина ўзининг фақат Аллоҳга қўл экнлигини тўла ҳис қилиши мумкин.

МАҚСУД БЕКЖОН
УХХ Норвегия бўлими раиси.

ХАЛҚ – КУЧДИР!



Ўтган йили Араб давлатларида бўлиб ўтган, диктаторликни ағдаришдаги ҳаракатлар, Қозоғистоннинг Жанаузен шаҳридаги нефтчиларнинг очлик аксияси, Россия пойтахти Москванинг Балотная майдонидаги “Россия Путинсиз, (Россия без Путина)” шиори остида бўлиб ўтган намоёйишлар, Ўзбекистонга таъсир этмай қолмади! Мақолани ёзишдан аввал, ўзбекларда сабр потенциали кучли эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман! Шу сабабдан Ўзбекистонда амалдаги ҳукумат, 20 йил давомида ҳукумат тепасида қолаётган мухтарам И.А.К. ни “тахтда” қолишини қўллаб-қувватлаб, қатор қонунларни чиқишди! Гарчанд, И.А.К. – “Интернетни тўсиш аҳмоқлик” – деган бўлсада, ҳукумат тепасида ўтирган “аҳмоқлар” интернетни цензура қилишга уринмоқда. Ҳозирги кунда, муҳолиф сайтлари ва мустақил О.А.В. (Voa Uzbek, ва Ozodlik, Fergana news, UzNewsNet, UzMetronom) сайтлари интернет блокадасига учраб тўсиб қўйилган. Ҳукумат наздида, гўёки бу сайтлар зарарли ахборотлар тарқатар экан. Демократик давлат курамин деб бонг урамиз, лекин эркин матбуотни хазм қила олмаймиз! Зарарсиз ахборотни чиндан ҳам, “Ёшлар” ва “Ўзбекистон” каналлари тарқатаётган бўлса, диктатура томон йўл олганимиз шубҳасиз! Чунки бу каналларни кўрган киши Ўзбекистондаги аҳволни 100% “шоҳона” ҳаёт деб тасаввур қилади. Бу каналларга бирор марта ҳам, халқни қийнаётган муаммолар олиб чиқилмаган. Улар гўёки ҳукумат маддоҳчиларига айланиб қолишган холос! Лекин афсуски, қишнинг қаҳратонида газ ва электр тоқисиз қолган ўзбекистон аҳолиси, Россиянинг қаҳратон совуғида ишсиз ёки ойлигини ололмай юрган ўзбеклар аҳоли ёритилмайди! Ёритишга уринган ҳуқуқ фаоллари эса, устидан қаттақ назорат олиб борилади ёки, вақтинчалик қамоққа ташланади.

Ҳозирги кунда, ўзбекистондаги маҳаллий оммавий ахборот воситалари, фуқароларимизнинг чет элга ишлашга борганда алданиб қолмаслиги учун, қатор лойиҳа-дастурини ишлаб чиқилганлигини кўп тмароталаб таъкидлашади. Лекин бу лойиҳа ва дастурлар “хўжа-кўрсинга” ишлаётгандек. Чунки, ҳозирги кунда кўшлаб фуқароларимиз (айниқса қишлоқ ҳудудида яшовчилар, қишлоқ ҳудудида иш танқислиги юқори даражада) чет элга пул топиш илинжида кетаётгани барчамизга сир эмас. Гарчанд аҳолининг бу қатлами рус тилини унчалик яхши билмасида, “посредник” ёки “бригадир” номи остида фаолият кўрсатётган, қорчалонлар билан чет элга кетишга мажбур! Бу эса ўз навбатида, бир қанча қонунбузилишларини келтириб чиқаради! Араб давлатларида бўлиб ўтган, диктаторларнинг ҳукуматдан кетиши учун амалга оширилган ҳаракатларда Facebook ижтимоий тармоғининг ҳиссаси бениҳоя катта! Ҳозирги кунда таҳлилчилар қузатиши натижасида, Ўзбекистонда Facebook ижтимоий тармоғи фойдаланувчиси кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўзбекларда сабр потенциали кучлилиги ва ўзбек халқининг 90% (фоизи)да кўрқув ҳисси мавжудлиги сабабли, очик матбуотни қўллаб-қувватловчилар камдан-кам топилади! Одатда ёшларимиз бу каби ижтимоий тармоқларга, бўш вақтарини кетказиш учун ва фикр алмашиниш учун киришганини айтишади. Одатда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий масалалар юзасидан музокара олиб борилганда жим бўлиб қолишади! Бир вақтлар, Чўлпон “халқ – кучдир” деган эди. Ҳақиқатдан ҳам халқ куч бўлса, нима сабабдан бугун Ҳукумат тепасида ўтирган “зиёлиларимиз”, халқ учунмас балким, ўзи ва ўзидан ҳам юқорида ўтирган мутассадилар учун хизмат қилишмоқда? Чунки, ўлкамизда ҳозир халқнинг ўзи йўқдир (шоирларимиз бежиздан, “Халқ бўл элим” дея таъкидлашмаган!), унинг ўрнида 30 миллион ёлғиз одам бор, холос. Фуқароларимиз қачон бирлашсагина, ХАЛҚ бўлади! ва Ўзбекистон қонунларини оёқ-ости қилаётган мутассади идоралар ходимлари эса, халқимиз манфаати йўлида хизмат қилади!

Muslimbek

ШВЕД ЖАМОАТЧИЛИГИДА ОБИД ҚОРИ ҲАҚИДА



Швеция каби тинч бир мамлакатни ўрмонлар билан ўралган бир чекка қишлоғида бўлиб ўтган бу суиқасд овозаси дарҳақиқат швед жамоатчилигини ҳайратда қолдирди. Бу мамалакатда бу одам ўлдириш каби жиноятлар деярли ноёб ҳодисадир.

Аксарият жиноятлар бошқа мамлакатлардан келиб яшаётганлар билан боғлиқдир. Шу сабабли Обид Қорига қилинган суиқасд Швед жамоатчилигини гангитиб қўйди.

Бу мавзуда ёзмаган бирорта швед тилидаги газета ёки интернет нашрлари қолмади. “Биз борганда Имом отиб кетилган зинапояда бўлиб ўтган жиноят асари қолмаганди. Сиз ўзингизни жабрланган ҳисоблайсизми? деб сўралганда, эшикни у тарафидаги одам “у мени отам эди” деб жавоб берди. Кўрқувни қаттиқлигидан у иккита бегона одамларга эшикни очишга ҳам кўрқди. Деб ёзади Ленстиднинг газетаси муҳбири Ida Nilning.

Эшик очилгач йўлақда юрган чамаси икки ёшлар атрофидаги қизчани кўрдик, уни кўзлари ҳайрат билан боқарди. У ҳаётини бутунлай ўзгартирадиган нимадир ғайриоддий воқеъа содир бўлганини англагандек эди гўё. Уни бобосига қараб шу ерда уйини олдида зинапояда ўқ узишди. Буни сабаби ҳам бор эди. Чунки, у дунёдаги энг ашаддий диктаторлик режимлардан бирига қарши чиққан эди. Деб давом этади юқоридаги муҳбир. Дарҳақиқат, мазкур воқеъа бўлиб ўтган, мени олдимга ҳам Остерсунд криминал полициясидан келиб савол жавоб қилишди. Бу ишни кимлар қилган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларимни сўрашди. Албатта мен бу ишни ортида тошкент турганлигини ва лекин қиллер у ёқдан келганмас ва ёки ўша кимдир келган бўлса ҳам унга кимдир бу ердан туриб катта

(Давоми кейинги бетда)

ШВЕД ЖАМОАТЧИЛИГИДА ОБИД ҚОРИ ҲАҚИДА

(Давоми. боши олдинги бетда)

ёрдам кўрсатганлигини ва бегона одам бу ишни бунақа силлиқ қилиб бажаролмаслиги ҳақидаги тахминларимни билдирдим. Ва яна бу жиноятни швед махсус хизмати ўргана бошлагани матбуотда эълон қилинди. “Биз изоҳ бермаймиз ва қайси метод ва услубда ишлашимизни очиқлашни истамаймиз, дея жавоб берди саволимизга SAPO матбуот котиби Сирпа Францен, лекин у бу ишни Швед Махфий Хизмати тергов қилаётганини тасдиқлади деб ёзди Filip Gustafsson Остерсунд Пост газетаси мухбири.

Кейин кўп ўтмай швед махсус хизматлари ҳам мени суҳбатга чиқаришди. Ва шу жиноятга доир савол жавоб қилишди. Уларни айтишича бу жиноятни швед полицияси ва махсус хизматлари ва бошқа куч ишлатар тизимларини кўп сонли ходимлари ўрганаётганини маълум қилишди. Ва жиноятчи топиладими? Деган, саволимга буни вақт кўрсатади деган қисқа жавоб бўлди.

Шунингдек, ЛТ газетасини 26 феврал сониди шу воқеъага бағишланган мақолада Уз ньюс нет нашрини муҳарририга мен берган интервьюдан ҳам инглиз тилидаги таржимасидан иқтибос келтирилган. “Швециядаги Обид қори Назаровга суиқасд Ўзбекистон ҳукумати томонидан уюштирилган, дея ҳисоблайди, муҳолифатдаги “Таянч” ташкилотидаги Муҳаммадсолиҳ Абутов: Кейингиси ким?”

Бу газетадани менга Коммунал ижтимоий таъминот секретари Ева Алстром билан учрашувга борганимда маълум қилди. Ва менга Стромсунддаги Имомга суиқасд қилингани муносабати билан ҳамдардлик билдирди. Мен бу одамларни ҳамма воқеъларни ўқиб кузатиб боришларига ҳайрон қолдим. Дарҳақиқат бу даҳшатли жиноят швед жамоатчилигини ҳайратга солганига амин бўлдим.

Албатта, эртами кечми бу жиноят очилади. Ва уни буюртмачилари ҳам ошкор бўлади. Ва бу каби қонхўр жиноятчилар ўз қилмишларини жазосини шу лунёда ҳам оладилар. Аммо, охират азоби улар учун қаттиқроқ ва абадий бўлади иншааллоҳ!

М. Абутов.

ЁҒЛАНГ, СУВЛАНГ АММО ТУЗЛАМАНГ!



Туркменистоннинг янги “сайланган” Президенти диктатор Қ.Бердимухамедов шу кунларда Туркияга сафар қилмоқда. Сафар расмий бўлгандан кейин ҳамма нарса расмият шаклини олади. Яъни, вазият йиғлашни тақоза қилса ҳам ҳамма бир бирига жилмаяди. Диктаторга ҳеч ким Сиз нима қилааяписиз, ахир диктатуралар замони орқада қолди, демайди. Золимга олим, зўронга меҳрибон, дейишни тақоза қилади бундай расмиятчилик... Хуллас, Туркменистон Президентининг Анкарада кайфи жойида. Ҳамма унинг пойига “ёғ” сурмоқда, юрган йўллари ялтирасин, деб. Яъни, унинг шаънига айтилаётган мақтовларнинг на чегараси на да маъноси бор. Зотан, золимни мақташнинг маъносизлигини ҳамма билади, шу диктаторнинг ўзидан бошқа. Яна Туркиялик мезбонлар бу диктаторни “сувламоқдалар”, яъни уни кўтар кўтар қилиш билан Бердимухамедовнинг Туркменистонда ўтказаетган зулмларини “поклашга” уринмоқдалар... Диктаторни бундай “сувлаш ва ёғлаш” маросимларидан бири Туркиянинг машхур Фотиҳ Университетида бўлиб ўтди. Бу Университетда диктаторга фахрий докторлик унвони берилди. Яъни, у бир маънода ўз халқига зулм қилиш профессори, дея тан олинди. Фотиҳ Университети бугунги Туркиянинг белининг қуввати ҳисобланадиган Фатхулла Гулан жамоатига оиддир. Бу жамоат аъзоларининг сони ҳозирда 7 миллиондан 10 миллионгача эканлиги тахмин қилинади. Бу жамоат ўзининг қаршисида

ким бўлишидан қатъий назар, олимми, золимми, мурса ва мулоқот қилиш йўлини танлаши билан машхурдир. Яъни, улар ҳақсизлик қилгани “ҳақсизсиз”, дея тузламайдилар, танқид қилмайдилар. Бунинг ўрнига золим билан бўлса ҳам мулоқот қилиб, унинг қўлтиғига кириб олишни, кейин кутилмаганда уни қўлтиғидан кўтариб ерга уриш йўлини танлаганлар. Уларга бундай кураш йўлини ким ўргатган, буни ҳам ўзларидан бошқа ҳеч ким билмайди. Уларга нега золимларни тузламайсизлар, дейилса, бунинг нима кераги бор? Золимлар зотан чириган нарсага ўхшайди. Уларни тузласак, туз уларнинг чиришини секинлаштиради, қабилида жавоб берадилар. Албатта, бундай “ёғлаш ва сувлаш”дан диктатор Бердимухамедовнинг эриб кетгани ҳам рост. Бундай кўтар кўтардан илҳомланган бу диктатор Туркменистон ва Туркия халқларининг икки давлат, бир миллат, эканлигини “эътироф” қилди. Бу кип қизил ёлғондир. Чунки туркий халқларнинг ҳақиқий ҳамкорлигига тўсиқлик қилиб келаётганлар Ислоҳ Каримов, ота ва бола Алиевлар, эски ва янги Туркманбоши каби диктаторлардир. Аммо начора тентакка тентак дейиш билан бирон нарса ўзгармайди, дея ўйлаётган бўлишлари мумкин Туркиялик дўстларимиз. Мана Каримовга ҳеч нарса демасак ҳам, бизни Ўзбекистондан қувди... На сармоямиз қолди, на да лицейларимиз! Хуллас, Каримовдай “сутдан” оғзи куйган Туркиялик расмий ва норасмийлар, Бердимухамедов каби “қатикни” пуфлаб ичмоқдалар. Чунки турк биродарларимизнинг сармояси ва мактаблари Ўзбекистонга қараганда Туркменистонда бир неча марта кўпдир... Шундай экан, диктатор Бердимухамедовни ёғланглар, сувланглар, аммо тузламанглар. Зеро, унинг учун туз сарфлаш ҳам исроф ҳисобланади...

Фарҳодбек.

АҚШ ҒАФУРБОЙГА ҚАРШИ ЧОРА КЎРДИ



Гулнора ва Лолага қачон чора кўрилади

Яқинда озодлик радиоси сайтида “Ғафур Раҳимов АҚШ санкциясига тортилди” деган сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Унда шундай дейилади: “АҚШ Молия вазирлигининг уюшган халқаро гуруҳ етакчиларига қарши жорий қилган санкциялари рўйхатига Ўзбекистондаги криминал авторитет Ғафур Раҳимов ҳам киритилди.

23 феврал куни АҚШ Молия вазирлиги асосан постсовет ҳудуди ва Японияда фаол бўлган икки йирик халқаро жиноий тўдага қарши жиддий амалий ҳужумга ўтди – бу тўдаларнинг АҚШ банкларидаги ҳисобларини музлатди ва АҚШ фуқароларининг улар билан ҳар қандай ҳамкорлигини тақиқлади.

Бу рўйхатда Ўзбекистон фуқароси, Осие Бокс федерацияси президенти, Осие Олимпия кенгаши вице-президенти, Ўзбекистондаги йирик бизнес тизимлари эгаси Ғафур Раҳимов ҳам бор.” “Ғафур Раҳимов ўзбек уюшган жиноят олами етакчиларидан бири ва Марказий Осиеда наркотик моддалар ишлаб чиқариш унинг назоратидадир”, дейилади АҚШ Молия вазирлиги ўз расмий сайтида эълон қилган ҳужжат матнида.” ИАК режими устунлари ҳисобланадиган барча куч ишлатар тизим раҳбарлари ва “омадли тадбиркорлар” ва унинг қизлари мафия гуруҳлари билан бирга ишлайдиган одамлардир. Бу ҳақида турли тилдаги интернет саҳифаларида жуда кўп маълумотлар бордир. <http://www.neweurasia.net/ru/politics-and-society/большая-закулисная-игра/> <http://tabloid.vlasti.net/news/256110?print=1>

Ўша гуруҳнинг битта аъзоси Ғафур Раҳимовга нисбатан АҚШ томонидан иқтисодий санкция жорий қилинди.

Аммо, жиноий гуруҳнинг бошқа вакиллари хусусан, Гулнора Каримова ва Лола Каримова-Тиллаеваларга ҳали на АҚШ ва на ОИ томонидан бирорта жиддий эътироз бўлгани маълум эмас. Тўғри, ўзбек муҳолифати ҳаракати туфайли ва қисман Лола Каримова-Тиллаевани ўзи истамаган ҳолда қилган баъзи ҳаракатлари туфайли ўтган йил бу икки қиз учун анчагина ташвишли бўлди.


“2011 йил Ўзбекистон биринчи оиласи учун бирмунча ёқимсиз воқеалар билан эсда қоладиган бўлди, дейиш мумкин. Бу ходисалар биринчи оиланинг икки қизи Гулнора Каримова ва Лола Каримова-Тиллаевалар билан боғлиқдир.

Туғаб бораётган йилда қизларнинг кенжаси ўзи истамаган ҳолда отаси – Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг суд қарори билан диктатор дея тан олинишига сабабчи бўлди.

Тўнғич қиз Гулноранинг эса, Ўзбекистон жаҳон мода оламида ўзига яраша ўринга эгаллигини кўрсатиш уринишлари, унинг Нью Йоркдаги модалар шоусидан ҳайдалиши ва яна Ўзбекистондаги болалар меҳнати муаммосининг халқаро майдон кун тартибига чиқиши билан тугади.” Деб ёзди Озодлик радиоси. 27. 12. 2011. Бугун биз Ўзбекистонлик муҳолифат вакиллари Ўзбекистон каби қашшоқ мамлакатнинг фуқаролари бўлган ва айни пайтда Швейцариянинг энг бадавлат кишилари сафида турган Гулнора ва Лола Каримовалар ва уларни оталари учун, 2012 йилда қанақа “хушхабарлар” бўлар экан деб кутмоқдамиз. Тахтидан айрилган ИАК каби қонхўр режимларни раҳбарларини фарзандларини қисмати бу икки қизни ҳам кутаётганига шубҳамиз йўқ. Бугун бўлмаса эртага шу кунлар келади иншааллоҳ.

М. Абутов.

ТОШКЕНТ: БУ ШАҲАРНИ МИРШАБ БОСИБ КЕТГАН



Тошкент ҳақидаги менинг дастлабки хулосам шундай: бу шаҳарни миршаб босиб кетган. Кўчада юрар экансан, миршаб йўқ жой йўқлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Метро бекатларида ва уларга кириш жойларида 8 тадан 10 тагача миршаб юрибди. Тошкент метроси бекатлари миқдори 25 тадан кўплиги ҳисобга олинса, фақат метронинг ўзига 200-250 нафар миршаб жалб қилинган бўлади. Бир метро бекатида миршаблар ҳатто ит билан туришибди! Метро бекатининг ўзида эса “Огоҳлик ва хушёрлик – давр талаби” деган ёзувлар ўзбек ва рус тилларида турибди, метро поездининг ҳар бир вагониди ҳам 3-4та жойда шундай ёзувлар.

Ундан ташқари, диктор ҳар бир бегатда “Шубҳали сумкаларни кўрсангиз, метро ходимларига хабар беринг! Огоҳ бўлинг!” деган гапни такрорлайди. Бу ҳолга кўникмаган содда одам, қандайдир доимий ҳавф бор экан Тошкентда, деган хулосага келади.

Бу 3 миллион нуфузлик шаҳар 30 миллионлик тоталитар давлатнинг кичик моделидир.

Набижон Султон

ТАНЛАНГАНЛАРНИНГ САЙЛОВЛАРИ

Сиёсий сайловлар халқнинг ўзи истаган кишиларни ва фирқаларни сайлаши учун ўтказилади, дея иддоа қилинади. Аммо бу қоида мутлақ эмаслиги дунёда ўтказилаётган кўпгина сайловларда ўз иботини топаётганга ўхшайди. Чунки бу сайловлардан кўпи танланганлар сайловига ўхшайди. Яъни, сайлов кўзбўямачилиги натижасида сайлов ўтган давлатлардан баъзиларида ҳамма нарса “эски ҳаммом, эски тос” шаклида қолди...

Ўтган йилги сайловлардан Туркиядаги парламент ва Норвегиядаги маҳаллий сайловлар ёдимда қолди. Туркияда Тойийб Эрдўғон Раиси бўлган АКП (Адолат ва тараққиёт партияси) навбатдаги зафарга эришди. Фақат шу нарса маълумки бугуннинг Туркиясида сайловларда ғолиб чиққан партия тамоман ижтимоий сиёсий ғалабани қўлга киритди, деган маънони билдирмайди. Чунки бу мамлакатда сиёсатни ички ва ташқи парда орқасидан бошқариш удуми шакланган. Бу пардаларни ички ва ташқи Эргоноконлар (давлат тўнтарувчилари) ҳам, дейишимиз мумкин. Бу маҳаллий ва хорижий “эргонокончиларни” эса фақат сайловларда ютиб бўлмайди. Бу мавзуга қизиққанларга қўшимча манба сифатида ушбу мақолани ўқишларини тавсия қиламан: (<http://www.uzxalqharakat.com/archives/7959>)

Норвегияда ўтган йили “тарихий” террор воқеаси кузатилганди. Андерс Брейвик деган қотил бир ҳамлада 76 ёш инсонни ўлдирди. Бу ҳодиса Норвегияни тиз чўктирганди. Худди ўтган йилги зилзила ва тцунами Япониянинг белини синдиргани каби. Норвегия сайловларида ўнг қанот радикал (миллатчи) партия ҳисобланадиган ФКП (Ўзбекча тахминий таржимаси “Келажак Йшончи Партияси”) оғир мағлубият олди. Чунки террорист Брейвикнинг бу партияга алоқаси борлиги ҳақида миш-мишлар тарқаганди. Аммо бу Брейвик нишон олган чап қанотнинг кучли партиясига АП (Йшчи Партиясига) ғалаба келтирмади. Аксинча ФКП тарафдорлари ўзларига “дўст” бўлган ХП (Ўнг партия)ни қўллаб-қувватладилар. ХПнинг ФКПдан фарқи Норвегиядаги муҳожирларга очикдан очик қарши чиқмаслигидир. Аммо айтиш мумкинки бу икки партиянинг тиллари айри бўлса ҳам диллари айнидир. Бунинг муқобилида сўл партиялар ижтимоий тенглик, шу жумладан муҳожирларга ҳам бетарафлик позициясида турадилар... “Араб Баҳори” бошлагандан кейин Тунис ва Мисрда ҳам сайловлар бўлди. Бу мамлакатлари аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат бўлгани учун ҳам уларда исломий қарашдаги партиялар зафар қозондилар. Кутилмаган нарса эса Мисрда салафийлар оқимиға мансуб бўлганларнинг ўз фирқаларини тузиб, парламент сайловларида қатнашишлари эди. Бу мамлакатдаги сайлов жараёни бу йил ҳам давом этади.



Олдинда Миср Давлат Раисини (Президенти) сайловлари бор...

Бу кунларда Русиядаги Президентлик ва Эрондаги парламент сайловлари дунё сиёсатининг кун тартибида турибди, дейишимиз мумкин. Кутилгандек (!) Владимир Путин яна президентликка “сайланди”. Путиннинг муҳолифлари ва сайловда қатнашган халқаро кузатувчилар Русиядаги сайловларнинг одил ўтмаганлигини таъкидламоқдалар. Путин эса албатта бундай ўйламайди. У ўз ғалабасидан болакайлар каби севиниб кетди ва ҳагто севинч кўз ёшлари ҳам тўқди. Тўғри, у кейинчалик “Комсомольская правда” газетасига кучли шамолдан кўзларим ёшланди, деди. Аммо бунинг нима аҳамияти бор.

Моддапарастлик ва манфаатпарастлик устун бўлган сиёсатда самимият ва сиёсат бир бирдан шу қадар узокки... Бугунги Русия мафқурасизлик (эътиқодсизлик), ёлгон, порохўрлик ва ароқхўрлик батқоғига ботганлигини ҳамма яхши билади. Мана шу тўрт салбий ижтимоий сиёсий омил мавжуд экан, Русия ҳали бери ўзига келмаса керак...

Эронда навбатдаги парламент сайловлари ўтказилмоқда. Бу давлатда парламент масалан, Русиядаги каби салоҳиятларга эга эмасдир. Эрон сиёсий маънода Русияга ҳам, Туркияга ҳам, Мисрға ҳам, Саудия Арабистонига ҳам ўхшамайди. Эрон Исломи Давлати Конституциясига кўра мамлакат Раҳбар тарафдан бошқарилади. Ҳозирги кунда Раҳбар Оятуллох Ҳамайнидир. Раҳбар ўз лавозимига 86 кишилик Маслаҳатчилар Кенгаши тарафидан сайланади. Бу Кенгаш умумхалқ сайлови йўли билан 8 йиллик муддатга сайланган вакиллардан ташкил топади. Раҳбар жуда қатта салоҳиятларга эгадир. У мамлакатдаги умумий сиёсатни назорат қилади, Эрон Ҳарбий Қувватларининг Бош Қўмондонни ҳисобланади, маҳкамаларнинг раисларини, давлат радио ва телевидение қўмиталарининг раисларини ва 12 аъзодан иборат бўлган Конституцияни Муҳофаза қилиш Қўмитасининг 6 аъзосини ўз лавозимига тайинлайди.

Маслаҳатчилар Кенгаши бир йилда бир марта бир ҳафта давомида сирли мажлис ўтказиши. Бу Кенгаш Раҳбарни сайлаш ва уни ўз лавозимидан узоқлаштириш ҳуқуқига эгадир. Шу билан бирга мамлакат Президентлигига,

парламент аъзолига ва Конституцияни Муҳофаза қилиш Қўмитасига аъзо бўладиганларнинг номзодликлари мана шу Кенгаш тарафидан тасдиқланади.

Эрон Президенти ўз лавозимига 4 йиллик муддатга умумхалқ сайловида сайланади ва бир киши фақат икки марта бу лавозимга сайланиш ҳуқуқига эгадир. Президент Ижро ҳокимиятининг раҳбари ҳисобланади, унинг фаолияти Раҳбар ва Эрон Мажлиси тарафидан қаттиқ назорат қилинади. Масалан, Ички Ишлар ва Мудофаа Вазирлиги бевосита Раҳбарнинг кўрсатмаси билан лавозимига тайинланади. Вазирларнинг номзодлари эса Эрон Мажлисида тасдиқланиши шартдир. Шу бирга Эрон Президенти мамлакатда Раҳбардан кейин энг эътиборли мансаб соҳибни ҳисобланади. Президентнинг вазифаси кундалик ижтимоий-сиёсий жараёнларга раҳбарлик қилишдан иборатдир.

Эрон Мажлиси (парламенти) 4 йилга умумхалқ сайловида сайланадиган 290 аъзодан иборатдир. Мажлис мамлакатнинг кундалик ҳаётига оид қарорлар қабул қилади, халқаро шартномаларни тасдиқлайди. Мажлис аъзолигига сайланадиган номзодлар ва Мажлис қабул қилган қарорлар Конституцияни Муҳофаза қилиш Қўмитаси тарафидан тасдиқланиши шартдир. Конституцияни Муҳофаза қилиш Қўмитаси 12 аъзодан иборат бўлиб, улардан олтигасини Раҳбар ва яна олтигасини Мажлис лавозимларига сайлайди. Бу қўмитанинг асосий вазифаси Мажлис фаолиятларини назорат қилишдан, лозим кўрилганда унинг қарорларини вето қилишдан иборатдир. Бу кунларда ўтаётган парламент сайловларида Раҳбар тарафдорларининг (яъни ўта муҳофазакорларнинг) Президент Аҳмадинажад тарафдорлари устидан ғалаба қилганлиги айтилмоқда. Шарҳловчилар ҳагто Аҳмадинажаднинг синглиси Парвин хонимнинг ўзлари туғилган вилоятда мағлубиятга учраганини Президентнинг сиёсий ҳаёти тугашига ишорат, дея баҳоламоқдалар. Хуллас, бу мамлакатда ҳам сайловлар олдиндан белгиланган режага кўра амалга ошди, дейиш мумкин. (Қаранг: www.habervaktim.com 2012 йилда ўтказилиши мўлжалланган сайловлар орасида АҚШ ва Франциядаги Президентлик сайловларини эслатишимиз мумкин. Бизда сиёсатни адабиёт билан боғлаш удуми бор. Шунинг учун ҳам кутилаётган бу сайловларни Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ушбу сатри билан изоҳласак ҳам бўлар: Ким кўрибди эй кўнги, аҳли жаҳондин яхшилик... Туркманистондаги Президентлик сайловини унутдингиз, дейсизми? Ҳа энди, унутилишга маҳкум бўлган нарсани эслаб ўтиришнинг нима фойдаси бор?

*Намоз Нормўмин,
6 март 2012 йил.*

ИККИ ШАВКАТ



Ким улар ўзи? Нега айнан Шавкат исмли икки кимса ҳақида гапирмоқдамиз? Ҳозирги пайтда ким кўп – Шавкат кўп, одамлар тўдасига кўзламай кесак отворсангиз Шавкат деганга бориб тегади. Биз айтаётган Шавкатларнинг бири зоминлик ёки ўратепалик, – баъзилар у 1957 йилнинг 24 июлида Жиззах вилоятининг Зомин туманида туғилган дейишса, бошқалар Тожикистоннинг Ўратепа шаҳрида таваллуд топган, деб ишонтиришга ҳаракат қилишади. Шунинг учун бизда бу шахснинг миллати ҳақида муқим бир фикр йўқ – бир хиллар уни ўзбек дейишса, тожиклар: “У – биздан”, деб мағрурланишади. Биринчи Шавкат, яъни Шавкат Мирзиёев, – Ўзбекистонда 2003 йилнинг 11 декабридан бошлаб ҳукумат бошлиғи. Тожиклар уни ўзларига бошлиқ қилиб олишга ҳали жиддий киришишгани йўқ. Олиб кетишса – бизлар зиён кўрмаймиз, ҳам бир зил-замбил юкдан қутуламиз, бироқ улар ўзларига бало сотиб олишади. Олиб кетишмаса – улар зиён кўришмайди, бизлар эса ўша эски тоғора билан қолаверамиз. Иккинчи Шавкат – қорақалпоғистонлик, тезкор ишлар бўйича “Жаслик” камокхонаси бошлиғининг ўринбосари, тўғрироғи – мусулмон, ҳуқуқбон, журналист, тадбиркор ва бошқа маҳбусларни кийноққа соладиган, ўлгудек қалтаклайдиган жаллоди Шавкат Вайснийёвдир. Ҳадеб “Шавкат Мирзиёев” ва “Шавкат Вайснийёв” деявериш одамнинг гашини келтиргани тўғрисида биз мақола давомида уларни мос равишда “1-чи Шавкат” ва “2-чи Шавкат” дея ёзишни маъқул кўраимиз.

Қорақалпоғистонлик уч ака-ука шоввозлар

Уч ака-ука, бир ота, бир онадан туғилиб ўсган Амин Юсупов, Шарип ва Икром Вайснийёвлар ичида каттаси (Амин) Қорақалпоғистондаги бир туман ички ишлар бошқармасида кўп йиллар начальлик бўлиб ишлаган. Уни яхши таниган одамларнинг гапи бўйича Аминнинг табияти ва маънавий киёфасини таърифлаш учун инсон ҳаёлига келган энг ифлос ва жирканч сифатлар етмас экан. Икром Вайснийёв Қорақалпоғистонда бир туман ҳокимининг ёрдамчиси бўлиб ишлаганини эшитганмиз, 90-чи йиллар охири, 2000-чи йиллар бошида эса Жиззах вилояти, Пахтакор тумани ҳокими, 1-чи Шавкатнинг жонажон укаси Убайдулла Ёмонқуловнинг ўринбосари вазифасида ишлаганини яхши биламиз. Унинг иш фаолияти ҳам, умрининг ниҳояси ҳам шуерда автоҳалокат натижасида тугаган.

Мазкур ака-укаларнинг учинчиси Шарип Вайснийёв тўғрисида бизда маълумот етарли бўлмаганлиги сабабли у ҳақида биз ўзимизни чегараладик.

Бу икки Шавкат орасида қандай боғлиқлик бор, деб сўрашингиз табиий. 1979 йилда Шавкат Мирзиёев Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига, Икром Вайснийёв ва унинг синфдоши Фарход Ерманов эса Тошкент Автомобил Йўллари институтига ўқишга киришади. 1-чи Шавкат улар билан илгари на қариндош ва на таниш бўлган. Бироқ, бирнеча йиллик студентлик даврини битта ижара кватирада бирга ўтказиш уларни кадрдон дўстга айлантирган.

Пахтакор туманида Икром Вайснийёвни яхши таниган, бирга ишлаган одамларнинг айтишича, иссиқ кунларда минерал сув қандай кетса, ароқ шунчалик кетадиган баъзи ўтиришларда ширакайф бўлган Икром Вайснийёв аҳён-аҳёнда собиқ кватирадошини шодиёна руҳда эслаб қолар ва ўша кезларда 1-чи Шавкатга: “Уйлансам, ўғил кўрсам, ёки ака-укам ўғил кўрса, отини Шавкат кўяман” деб ваъда берганини айтар экан. 1-чи Шавкат ҳам дўсти Икромни ҳеч қачон унутмаган. Икром 90-чи йилларнинг охирида Қорақалпоғистондаги ишидан олинганда Жиззах вилоятида ҳоким бўлиб турган 1-чи Шавкат дарров уни Жиззахга олиб келган ва, юкорида айтганимиздай, Пахтакор тумани ҳокимининг ўринбосари лавозимига ўтказган.

1-чи Шавкат Жиззах вилоятига ҳоким бўлган 1996 йили Фарход Ерманов ҳам Қорақалпоғистондаги бир туманга ҳоким этиб тайинланган. У шахсий сифатлари, касбий ютуқлари тўғрисида ҳоким бўлган, дейишга биз қийналамиз. Унинг мансаб пиллаюсида юкорига қараб ўрмалашади 1-чи Шавкатнинг хиссаси бор, дегичларни ҳам учратганмиз.

Жаҳолат, зулм ва ҳаром-ҳариш масаласида 1-чи Шавкат қандай одам эканлигини англаш учун яхшиси Жиззахлик ва самарқандликлардан сўраш керак. 1-чи Шавкат ҳеч қачон милиция начальниги бўлиб ишламаган бўлса-да, ҳар қандай начальликни бир чўқишда қочиришини оддий одамлар уёқда турсин, начальликлар ҳам ўз шкураларида синаб кўришган.

Шундай қилиб, 2-чи Шавкат мишрабликдан бошқа касбини эгаллашга уринмаган ҳам – уни “Жаслик” учун тайёрлайдилар. Энг асосийси, “Жаслик” камокхонасининг маҳбуслари, ҳукумат назарида, Ислон Каримовнинг биринчи душманлари ҳисоблангани учун унинг назоратини 1-чи Шавкат шахсан ўз зиммасига олган экан. У бир йилда камида икки марта вертолетда Жасликка учиб келар ва душманлар бобида қимматли маслаҳатлар бериб кетар экан. Кимдир бу қимматли маслаҳатларни бажариши керак-ку! Қўйнингдан тўқилса – қўнжингга, деганларидай, 2-чи Шавкатдай ўзиникидан яхшиси борми? 2-чи Шавкат зона бошлиғи Ботир Кенжаевнинг ўринбосари бўлгани учун оддий ишларга қўл урмайди, одатда у юкоридан, масалан Жазони Ижро Этиш Бош Бошқармаси (ЖИЭББ) бошлиғи Абдукарим Шодиев, ёки ЖИЭББ терроризмга қарши кураш бўлимининг бошлиғи подполковник Эркин Бобоқуловга ўшаганлардан келган

топшириқларни эътиқод билан бажаради. У юкорининг заказини бажараётганда қонун-понун деган беъмани нарсалар минг километр нарига улоқтирилишини маҳбуслар тамоман тушуниб бўлишган.

1-Шавкат ҳукуматининг антиқа ҳисоботи

2011 йилнинг сентябрининг охири ва октябрининг бошида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)нинг Варшавада бўлиши қутилаётган халқаро учрашувига Ўзбекистоннинг 1-чи Шавкат бошқараётган ҳукумати ҳар қандай инсоннинг кўзини қамаштирадиган бир ҳисобот тайёрлашни мўлжаллабди. Биласиз, ЕХХТ 50 дан ортиқ давлатлар ҳукуматларининг ташкилоти ҳисобланади. Бундай учрашуларда 1-чи Шавкат ҳеч қачон қатнашмаган. Бироқ унинг бу каби учрашуларни гуллабдиган Акмал Саидов, Сайёра Рашидова, Алишер Шарофуддинов, Дилбар Суёнова каби югурдаклари бор.

Андижон воқеаларидан кейин 1-чи Шавкат ҳукумати ЕХХТнинг ҳар йилда бир марта бўладиган бундай учрашуларидан қочиб юрди. Ўғри бегона жойда ўғрилик қилса, бунга ҳеч қимга сездирмайди. У ўғриликни ўз мақалласида қилса, бунга ўғрининг кўзи одамларга билдириб қўяди. 2005 йил 13 майда 1-чи Шавкат ҳукумати ўз юртида ўғрилик қилди, яъни ўз халқини отди. Ҳозир 1-чи Шавкат ҳукумати Катта Ўғри (Жон Ўғриси, Қотил) эканини ҳамма билади. Ўша йили ЕХХТнинг йиллик халқаро учрашуви 18-29 сентябрда Варшавада ўтди. Мен 19-24 сентябрь кунлари ўша учрашувда қатнашганман. 1-чи Шавкат ҳукуматининг ўрни бўш турди, ҳатто югурдакларнинг ҳам қораси кўринмади. Ўғри ўзидан зўрроқ ўғрига нафақат ўғирлаган нарсасидан улуш бериб туради, зўр келганда ҳатто ўзининг иккинчи ярмини ҳам беандиша тортиқ қилиб туриши мумкин. Ён қўшнисни кўпсонли кучли ўғриларга қарши ўз озодлиги учун матонат билан курашаётган бир пайтда 1-чи Шавкат ҳукумати ўзидан кучли ҳукуматлар талабини қониқтириш учун ҳозирча мамлакат темирйўллари бериб қўйди. Ким билади, ҳали яна нималарини беради? Кучли ҳукуматлар ҳозирча бундан хурсанд – у-бунга кўрса ҳам кўрмасликка олиб туришибди. Ҳукуматлардан фарқли ўлароқ халқаро ҳуқуқбонлик ташкилотлари ҳамма нарсани ўз номи билан аташга, яъни қотилни қотил, жоҳилни жоҳил, мазлумни мазлум дейишга ўрганишган. ЕХХТнинг йиллик халқаро йиғинларида ҳукумат қандай руҳда бўлишидан қатъий назар – у 1-чи Шавкат ҳукуматидай қотил бўлади, Ангела Меркель ҳукуматидай иккиозлама бўлади, ёки темирйўл учун 1-Шавкат ҳукумати жиноятларини кўрса кўрмасликка олаётган бетайинлар бўлади – айнан ана шу ҳуқуқбонлик ташкилотлари унинг гирибонидан оладилар ва дунё жамоатчилиги олдида жиноятларини фош қилдилар. Айнан шу сабабли 1-чи Шавкат ҳукумати онда-сонда “қўзқамаштирувчи” ҳисобот тайёрлаб Варшава ёки Венага қўлтиқлаб олиб боради, у ерда эса Акмал Саидовга ўхшаган маддоҳ мазкур ҳисоботни тугилмасдан ўқиб беради.

(Давоми кейинги бетда)

ИККИ ШАВКАТ

(Давоми. боши олдинги бетда)

Сўзининг охирида маддоҳ ҳисоботни боши узра юқорига кўтариб: “Мана, кўрдинларми, бизда иш қандай йўлга кўйилган? Ҳаммаёқ демократия, халқ хурсанд!” деб ҳам кестириб кўяди, лекин ҳеч ким қарсақ чалмайди, чунки ҳисобот бошдан охиригача ёлғон эканини ҳамма билади.

Мисол келтирмасак гапимиз куруқ бўлиб қолади. Мисоллар кўп, биз фақат бирини келтирамиз. Секин-аста қолганларини ҳам келтиришга ҳаракат қилармиз. Эълон қилинган ва қилинмаган мисоллар келажакда 2-чи Шавкат кабилар ва уларнинг раҳнамолари устидан ўтказилажак судларга ҳам аскоиб қолиши мумкин.

Шундай қилиб ...

ЕХХТнинг 2011 йил сентябрининг охири ва октябрининг бошида бўладиган халқаро учрашуви олдида 1-чи Шавкат ҳукумати қамқоқхоналар бошлиқларига халқаро доираларда номи тез-тез эсланадиган сиёсий маҳбуслар, хусусан ҳуқуқбонлардан қандай йўл билан бўлса-да: “Биз белгиланган жазо муддатини шоду-хуррам ўтаб ётибмиз; ҳукумат ўзи эмаса емайди-ки, бизга едиради; қийноқ деган нарсанинг “қ”си ҳам йўқ; энг зўр дорилар аввал бизга келади, ортиб қолгани аҳолига тегади; бу оромбахш қамқоқхоналарда кўпроқ ўтирайлик деб амнистияни инкор қиламиз; бунинг йўли осон – арзимаган бўлса-да ички тартибни бузиб турамыз; ким жонажон ҳукуматимизни танқид қилса бизнинг ана шу ҳатимиз билан оғзига уринлар, деб ёзмокдамиз” деган ҳужжат ёздириб олиш вазифасини юклаган.

Бу вазифа “Жаслик” қамқоқхонасининг бошлиғи, қорқалпоғистонлик Ботир Кенжаевга ҳам йўлланган. Ботир Кенжаев нима қилиши керак? Тўғри, у дарров ўринбосари 2-чи Шавкатни қақиртиради, унинг ёнига Ҳабиб Абдуллаев деган иродасиз, кўрқоқ бир оперни кўшиб вазифани тушунтиради: “Отамизнинг душмани Азам Фармонов дегани бор-а? Биласизлар-а? Уни кўп қалтақлагансизлар, яхши биласизлар. Ана ўшандан мана бу мазмунда хат ёздириб оласизлар”, деб уларга бир варақ қоғоз узатади. Буйруқ август ойининг биринчи ўнкунлигида берилади.

Шикоят

Азам Фармоновнинг хотини Озода Якубова турмуш ўртоғининг олдида 2011 йилнинг 12-13 август ва 12-13 ноябрь кунлари бориб келган. Озода 14 августда ортга қайтган, 2-чи Шавкат ва Ҳабиб Абдуллаев Азам Фармоновни қийноқхонага олдириб келишади. Вокенинг буёғини 1-чи Шавкатнинг ишонган одамлари ЖИЭБ бошлиғи А.Шодиев (нусхалари: Бош прокурор Р.Қодиров ва ИИВ Б.Матлюбов, УЯ 64/71 зона бошлиғи Б.Кенжаев) номига Озода Якубованинг ёзган шикоятдан келтирамиз. (Иқтибос):

“Мен Сизга илгари ҳам бир неча марта УЯ 64/71 ЖИЭМда сақланаётган турмуш ўртоғим Азам Фармонов ЖИЭМ маъмурияти томонидан қийноққа солинаётгани ҳақида ёзганман, бироқ хатларимнинг бирортасига Сиз жавоб бермагансиз.

Билмасангиз билдириб қўяй: Сиз Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар

мурожаатлари тўғрисида”ги қонунни ҚУПОЛ РАВИШДА БУЗМОҚДАСИЗ, Сиз бошқараётган Бошқармага кирувчи муассаса (УЯ 64/71) ходимлари эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасини (Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) БЕҲАЁЛАРЧА ва ВАҲШИЁНА БУЗИШМОҚДА.

Мен турмуш ўртоғим билан учрашувга 2011 йил 12 августда кириб, 14 августда чиқдим. Учрашувдан олдин уч кун давомида зона мулозимлари А.Фармоновдан “Менда ҳеч қандай муаммо йўқ, тазйиқ ва қийноқлар йўқ, овқатланиш ва медицина хизмати жуда яхши” деб ёзиб беришни талаб қилишган. Вазият бунинг тесқариси бўлгани учун А.Фармонов бу талабни рад этган. Менинг учрашувга боришим яқинлашаётгани сабабли ва бу “хотини орқали ошқор бўлади” деган мулоҳазага бориб, зона мулозимлари мазкур хатни ёздириб олиш учун қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашдан ўзларини вақтинча тийишган.

Менинг уйга жўнаб кетишимни пойлаган зона бошлиғининг тезкор ишлар бўйича ўринбосари, милиция капитани Шавкат Вайснйезов 15 август куни А.Фармоновни қақиртирган ва яна ўша талабни қўйган. У билан бирга зонанинг тезкор ходими Ҳабиб Абдуллаев ҳам бўлган. А.Фармоновнинг бу бебурд талабни яна рад этиши Ш.Вайснйезовни ғазабга келтирган ва у маҳбусни аёвсиз қалтақлай бошлаган, қорни, бели ва оёқларига тепган, қўллари билан томоғидан букқан. Бу ваҳшиёна ҳаракатлар Ш.Вайснйезов томонидан ифлос, оғизга олиб бўлмайдиган ҳақорат ва сўкишлар билан амалга оширилган. У икки гапининг бирида “Қайнотанг ҳам, сен ҳам Европанинг малайсанлар, сен халқ душмансан” деб бақирган.

Ш.Вайснйезовнинг ваҳшиёна уриши, дўппослаши ва ҳақоратларидан кейин ҳам А.Фармонов ғайриқонуний талаб қилинган хатни ёзишдан бош тортган. Ш.Вайснйезовнинг кўзи қонга тўлиб, баттар қутуриб, яна дўппослашни бошлаган. У қонунга хилоф руҳий таъсир кўрсатиш мақсадида: “Сенинг ўлимнинг менинг қўлимда, сени ўлдириш менга буюрилган, мен шундай қиламан-ки, хотининг ҳам, болаларинг ҳам қамқоққа тушади, бу ердан сенинг фақат ўлигинг чиқади, агар тушунтириш хатини ёзиб бермасанг қўлингга нарчукни тақиб изоляторга олиб бораман ва шипга осиб қўяман, халқ душмани сифатида бир умр қамқоқда қиришсан” дея бақирган. Қутурган мулозим олдида А.Фармоновнинг талаб қилинган хатни ёзиб беришдан бошқа варианты бўлмаган ва у ёзиб берган. ...

... “Бу ваҳшийликни ким буюрган?” деган саволнинг жавоби Сизга бориб тақалади. ЖИЭБ системасида бу буйруқни Сиздан бошқа мулозим бера олмайди. А.Фармоновни ўлдириш Ш.Вайснйезовга буюрилган экан, бу буйруқни Сиздан бошқа яна ким бериши мумкин? Мени ва болаларимни қамаш учун Ш.Вайснйезов нима тадбирлар қилишини балки Сиз биларсиз? ...

... Шундай қилиб, менинг турмуш ўртоғимга нисбатан УЯ 64/71 зонасида шафқатсиз, ғайринсоний, кадр-қимматни камситувчи муомала, ўлдириш, оила аъзоларини қамаш билан кўрkitиш, уриш, дўппослаш, азоб бериш каби жисмоний ва руҳий қийноқлар давом этмокда. Сизнинг тарбиянгизни олган, Ш.Вайснйезовга ўхшаганлар айтган гапини амалга оширишига мен ишонаман. ... Ушбу шикоят-аризанинг нусхалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодировга ҳам, ИИ вазири Б.Матлюбовга ҳам юборилади. Бироқ мен бу лавозимли шахсларга ишонмайман, чунки улар А.Фармонов ва Алишер Караматовларнинг қамалишида ўзларини кўрсатишган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда:

- 1) 2011 й. 15 августда УЯ 64/71 зонасида сақланаётган сиёсий маҳбус Азам Фармоновга нисбатан шу зона бошлиғи ўринбосари Шавкат Вайснйезов томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иш кўзгатишни;
 - 2) Мақкур жиноятни яширгани учун шу зона оперҳодими Ҳабиб Абдуллаевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 241-моддаси бўйича жи кўзгатишни;
 - 3) Маҳбус Азам Фармоновнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган барча ҳуқуқларини тиклашни ва унга нисбатан ўтказилаётган тазйиқ ва қийноқларни зудлик билан тўхтатишни СЎРАЙМАН”. (Иқтибос тугади).
- Мақкур ариза адресларга 2011 йил 23 ноябрда жўнатилган, улар хатни олганлари ҳақидаги билдириш (уведомление) ҳужжати Озода Якубовага етиб келган. “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун бўйича давлат мулозими фуқаронинг ҳар қандай ариза, шикоят ёки бошқа мурожаатига 1 (бир) ойдан ошмаган муддат ичида ёзма равишда жавоб бериши ШАРТ. Мухтарам Абдукарим Шодиев эса бу муддатдан уч (!!!) баравар кўп вақт ўтганига қарамасдан ҳанузгача жавоб берган эмас.
- Озода Якубова 2012 йил 24-25 февраль кунлари яна Жасликда бўлганда зона бошлиғи Ботир Кенжаев билан учрашган ва ундан ўзининг шикоятига жавоб ёзмадангилгининг сабабини сўраган. Б.Кенжаев А.Фармонов қалтақлангани фактини тамомаъ рад этган. Ҳайратланманг. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Нима қилсин у, ахир?! Азам Фармоновни ваҳшийларча қалтақлаган Шавкат Вайснйезов нафақат Шавкат Мирзиёевнинг АДАШИ, балки у билан 1979 йилдан бери апоқ-чапоқ бўлиб кетган Вайснйезовлар сулоласининг вакили-ку! Ростни рост дейишга Ботир Кенжаевнинг нечта жони ва калласи бор? Бақрайиб туриб у ёлғон гапиришга МАЖБУР! Бақрайиб туриб ростни ёлғон, ёлғонни рост деб турган одамни халқ оддийгина қилиб ҚАСАМХЎР деб қўяқолади. Биз ҳам Жасликдаги УЯ 64/71 зона бошлиғини бундан буюн Ботир Кенжаев эмас, Қасамхўр Кенжаев деб ёзаверамиз. Колониясида бўлаётган ишларни ва ўзини ўзи яхши билгани учун у биздан хафа бўлмайди.
- Қачонгача Ўзбекистонда ИККИ ШАВКАТга ўхшаганларнинг зулми давом этаркин – башорат қила оладиган одам борми?

Толиб Ёқубов

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Асли Моҳирнинг нозик ва серсуяк юзи Ўғузнинг диққатини чекди. Соқоли гўё унинг суякларини яшириш учун қўйилгандай эди. Аммо тирсақлари, тиззаларидаги суякларни яшириш мумкин эмасди. Шунга қарамай, Али бейни келишган одам дейиш мумкин эди.

Али Моҳир танишма маросими битиб, креслосига ўтирар-ўтирмас сигара чиқарди ва тутунини бир кичик нарса билан бостириб, чека бошлади. Пипо (сигара) Ўғуздан кўпроқ Гулнорга ғалати келди. Чунки, Ўзбекистонда “пипо” чекканлар хар ерда учрамасди. Эрайигит аввал Ойдонга, кейин Ўғузга қараб:

–Али Моҳир бейнинг “Агри” хужжатли филмини кўрдингизми, билмайман. Унда гўзал тугалланма бор. Тоғчи (алпинист) Мажид Дузал билан камера айни пайтда чўкқига юксалади ва Мажиднинг кулимсаган сарик юзи корли чўкқи учига бир байрок каби ўрнатилди.

Ўғуз бу филмини кўрган. Мажид Дузал билан Али Моҳир орасидаги ўхшашлик диққатини чекди.

–У сахна эсимда бор, – деди Ўғуз, – янглишмасам, Мажид бей Кавказда ва Ўрта Осиёда ҳам чўкқиларга тирмашганди.

–Тўгри, – деди Моҳир бей, – мажид Дузалга тоғга тирмашмоқ нафас олмоқ кабирди. Текис ерда яшамокдан у зерикади.

–Ўғуз бейнинг мақоласи менга жуда таъсир қилди, – деди мавзуну ўзгартириб Али Моҳир.

–Ха, бир оз буни гаплашайлик, – деди Салим, – хўжам, сиз нима деб ўйлайсиз?

Эрайигит хўжа:

–Ўғуз меннинг орзуларимни ёзибди, – деди, – қошки бу ишни амалга оширадиган ташаббусчи чиқса.

Америкада шунга ўхшаган бир марказни қуриб, американ болалари ўз тарихини шу истироҳат паркида ўрганса керак, деб ўйлашгача бордим.

–Диснейлендни тасвирлашга тил ожизлик қилади, – деди Гунаш хоним, – Калифорнияда, Флоридада “диснейланд”ларни кўрдик. Биттасида американ афсоналари бўлса, иккинчисида Америка табиатининг мўъжизалари ер олган. Уч ўлчовли маконда 360 даражали экранда филм кўраркан, шовиллаб оқаётган тоғ дарёсида худди кинодагилар эмас, сиз, томошабин, сузиб кетаётгандай туюлади.

–Албатта, бу ерда американ технологиясининг ҳам роли катта, – деди Ойдон Орияхоним, – “Келажакка кайтиш”, “Зилзила”, “Кинг-Конг” каби филмлардаги сахналар унутилмас сониялар яшатади одамга.

–Мен шундай бир истироҳат маркази очишни жиддий ўйлапман, – деди Салим, – аммо ишнинг ҳисоб-китобини жуда яхши килиш керак.

–Менинг тасавурида, томошабин бир йўналишга кириб, у ерда Турк дoston даврини ўтиши керак, кейин тарих даврига кириши, уни ҳам,

ГУЛНОР (роман)

“яшаб” каналнинг нариги учидан чиқиши лозим, – деди Ўғуз.

Гунаш Эрайигит “Диснейланд”да кўрган Кариб (ярим орол) қароқчиларини эслади:

–Қайққа минасиз ва унда мағорага кирасиз, у ерда аввал қароқчилар яширган хазиналарга дуч келасиз, кейин соҳилга лангар отган кемаларда жунбушга келган оломонни кўрасиз: қароқчи қиёфасидаги манекенлар, музика, рақслар, кенг этакли рангоранг қўйлак кийган хонимлар, ёғоч оёқли, бир кўзи муҳаққак кўр капитан-қароқчилар... Ва томошабин бу манзаранинг ичиди...

Ўғуз:

–Гунашхоним тасвирлаган услуб билан дostonларимизни ва тарихимизни намойиш қилсак... Бўзқир ўртасида қирқта отлик шамол билан мусобақа қилаяпти, улар отган ўқлар “виз” иллаб учмоқда. Кейин сахна ўзгаради. Томошабин Эргенеконда. Ям-яшил водий, тиник сувлар ва бўриларнинг увлаши...

–Бир таклифим бор, – деди Ойдон Орияхоним, – Америкага бир саёҳат қилайлик, Ўғуз ва Али Моҳир бей бу мўъжизаларни ўз кўзи билан кўрсинлар. Али бей лозим бўлган ерларни камерага олсин. Вақтингиз бўлса, Салим бей, сиз ҳам борсангиз яхши бўларди.

–Мен буни ўйлагандим, Ойдон, – деди Салим бей, – Агар Ўғуз билан Али бей маъқул кўрса, буни дарров амалга оширишимиз мумкин.

Ўғуз беихтиёр Гулнорга қаради.

–Мени ўйлама, Ўғуз, – деди Гулнор, – Бир ҳафтадан сўнг, барибир, Ўзбекистонга кетишим керак. Сен, илтимос, Америкага бор!

–Сени кузатмасдан бирор ерга кетолмайман, – деди Ўғуз. Салим бей гапга аралашди:

–Зотан, йўл тайёргарлигига ҳам бир ҳафта кетади, Ўғуз бей. Гулнор билан яна бир бу ерда меҳмоним бўлинг, лутфан. Сиз ҳам Маҳмат хўжам, – деди Эрайигит ва Гунаш хонимга юзланиб. Маҳмат Эрайигит, Ўғуз, Гулнор Марти таътил қишлоғида яна беш кун қоладиган бўлиши. Али Моҳир керакли нарсаларни хозирлаш учун Мармарисни эртароқ тарк этди. Салим Бойжон Америка визаси учун Анқарадаги одамларга топширик берди.

Салим уч кун сўнгра Мортига келган ширкатдаги шериги Зиёга янги лойиха ҳақида сўз очганди, Зиё:

–Мен хаёлларга пул сарф қилмайман, Салим, – деди ва қиқиб кетди.

Салим ҳам Америкага боришга қарор қилганди, лекин йилларча бирга ишлаган ўртоғи ўпкалаб кетгани унинг руҳини тушириб юборди. Ишда ўн йил бирга бўлса, улкудошлиқда йигирма йил бирга эди у билан. 1970 йиллардаги ҳаёт-момот мужодоласида қанча таҳликадан бирга ўтишганди. Кейин Зиё МХП раҳбариятига кирганди, сўнгра 12 сентябр 1980 йил ихтилолида зиндонга ташланганди. У

зиндонда экан, Салим унинг оиласига ёрдам бериб турди. Зиё камокдан чиққанида Маҳмат хўжа ҳам кўришга келганди.

Кейин иш ҳаёти бошланди. Ширкатда Салим билан ўртоқ бўлишди. Зиёнинг уддабуронлиги натижасида ширкат кучланди. Зиё ҳокимиятдаги партия билан яқин алоқа кўрди. Салимнинг бунга виждони йўл бермади. Салим улкучилар лидери Бошбуғ (Туркаш) нинг саломини ҳам олмаган ҳукумат бошлигига яқин бўлишни ичига сингдира олмади. Лекин хар бир одам ўз йўлини ўзи танлайди, деб ўйлади Салим. Зиёнинг сиёсий тарихи унинг иши, бу ширкатдаги ўртоқликка халал бермаслиги лозим эди. Барибир, Салим эски дўстининг ўзидан узоқлашганини ҳис этар эди. Айниқса, кейинги ойларда. Мана энди, “Хаёл”ни баҳона этиб, муносабатларни тамоман узишга ҳаракат қилаяпти.

Балки, жаҳли совуғандан кейин Зиё фикрдан қайтар?, – деб ўйлади Салим. Америкага хозирча бормайдиган бўлди, қолганлар кетадиган бўлишди. Салим ўз ўртоғи Зиёдан хабар кутишга қарор қилди, агар келмаса, ўзим бораман, деб ўйлади. Бу келишмовчилик ҳақида ҳеч кимга гапирмади. Фақат Ойдон хонимга муҳим иш чиққанини айтди.

Али Моҳир дунё кўрган сайёҳ бўлса ҳам, Америка уни хайратга солди. Ойдон Ори уларни тўғридан-тўғри “Диснейворлд”га олиб бормади. Аввалига Америка ҳақда умумий тасавурга эга бўлсинлар деб, Нью-Йоркда бир машинани қирага олди ва уч киши Американинг жанубига қараб йўлга тушишди. Америка “чет эллардан” фақат Совет ўлкаларидан бир нечасини кўрган Ўғузни хайрон қолдирди.

–Америка демак, автомобил йўллари демак, – деди бир неча кун сўнгра Ўғуз, – мен бу қадар узун ва кенг йўللарни ҳеч тасавур қилолмасдим. Бу кўприк йўллар, шаҳарга киришда уст-устга қурилган кўприк йўллар! Ойдон хоним, яна буларнинг қайси биридан кетиш кераклигини қандай билаяпсиз?, – деди у.

–Эртага рулга сен ўтирасан, Ўғуз, – деди Ойдон хоним, – аввалига бу ерда машина ҳайдаш қийин кўринади, аммо қоидаларга амал қилсанг, машина ҳайдаш бу ерда завқдир.

–Яна 35 сент тайёрлашимиз керак, – деди Али Моҳир, – яхшиям, пул майдалаб олган эканмиз.

–Бу йулардан кўп ўтганман Али бей, – деди Ойдонхоним, – бу йўлларнинг ягона хавфли жойи, бу рулда кетаётиб ухлаб қолмоқ. Орқадаги машина билан бизнинг орамиздаги масофани кўраяпсизми? Юз метрдан кўп. Ундан ҳам яқинроқ келмайди. Ўзиб ўтмоқчи бўлса 100 метр нарида бошқа линияга ўтиши керак. Бундай ҳолатда одамларнинг мудраб кетиши хавфи доим мавжуд.

(Давоми кейинги бетда)

ГУЛНОР (роман)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Энди секинлашимиз керак... Мен баскетбол ўйнаганим учун тангани нишонга аниқ ташлайман!... Ойдонхоним сзепедга 35 сентни ташлагандан сўнг, электороник шлагбаум кўтарилиб, машинага йўл берди.
–Балки, ҳайдовчилар ухлаб қолмасин деб, пулли ўтиш ускуналари қурилгандир, – деди Ўғуз.
–Эҳтимол, – деди Ойдон хоним ва газга босди.
Вашингтон гўзал шаҳар эди. Музейга ўхшарди. Бир бўлимида инсоният тарихи, иккинчисида Америка тарихи, учинчисида Американинг келажаги. Линколн, Жефферсон... Америка тарихининг буюк сиймоларига атаб мухташам ёдгорликлар тиклашганди. Капитол, Оқ сарой ва унинг атрофи ҳам тарих, ҳам бугунги кун эди. Орлингтон миллий қабростони одамнинг юрагини титратарди. Машинани Ўғуз ҳайдай бошлади. Арзон, аммо тоза отелларда икки кеча қўноқлагандан кейин Диснейворлд жойлашган Орландо шаҳрига етиб келишди. Бу шаҳар ҳам йўлда кўрган шаҳарларга ўхшарди. Бизнесмарказларга оид осмонўпар бинолар. Узоқ айланмасдан, кичик ва саранжом мотелга жойлашдилар. Бир оздан сўнгра меҳмонхонанинг шаффоф сувларга тўлдирилган кенг ховузида чўмилишди. Ўғуз сувдан эртарок чикиб, хонасига кирди, ётоғига узанди. Унинг хаёллари бошқа ерда эди. Ўғуз бу ердан узоқларни хаёл қиларди. Хазор денгизи соҳилидаги сокин кечани эсларди. Ой ёруғида яшил кўзларнинг фусунини хотирлар эди. Гулнор бутун самимияти билан Ўзбекистонда чеккан азобларини тушунтирарди. Ана шу онларда Ўғуз Гулнорга ўзини жуда яқин ҳис этганди. У кеча сочлари орасида ўйнаган шабада Ўғузга унинг ошиқ бўлганини шивирлаганди. Ёки оқ кўпик буни сўйлаганмиди? У кеча Гулнор унинг қўлларига қўлини теккизганди, аммо юрагини Қозон ўрмонларида очганди Ўғузга. Гира-шира ўрмон ичига фарк бўлишганди иккови. Ўғуз ўрмонгами, гира-шираликками ёки Гулноргами шундай деб шивирлаганди:
–Яшил менинг қисматим: яшил денгиз, яшил ўрмон, яшил кўзлар...
Кейин Гулнорнинг қўлини сиқиб:
–Кўзларингни мендан асло айирма!, – деди Ўғуз.
Бу он Сарандибга тушган Одамнинг Момо Ҳаввони топган они эди. Балки, у онда турк афсоналаридаги каби ёғоч қобидан Ўғузхон қаршисига бир қиз чиққандир...
Ойдон эшикни тақиллатди:
–Бу ерга ухлашга келдингми, Ўғуз, – деди у, – тезроқ кийин, атрофни бир айланайлик.
–Ҳозир чикаман Ойдон, ҳозир! – деди Ўғуз.
Учта янги дўст машинага миниб атрофни айланишди. Кейин сокин бир ресторанда емак едилар.
“Диснейвоолд”га эртага боришмоқчи

эди, аммо буни Ойдон хоним дўстларига айтмади.

Гулнорни Тошкентда ёмон воқеалар кутиб турарди. Маҳмат Маъруф ва дўстлари қамалгандилар. Бу хабарни етказган одам Гулнорни ҳам уйига келиб излашганини айтди. Ёмон воқеалар 1993 йилнинг январида бошланиб, апрел ойида Анвар Муроднинг юрт ташқарисига кетиши билан тугалланганди. Гулнор воқеалар юқини енгиллатиш учун Қозонга ва Туркияга кетганди. Аммо қагаон жараёни давом этаверди. Анвар Мурод Ўзбекистондан чиқиб кетгандан кейин Маҳмат Маъруф ҳибсга олинганди. Анвар Мурод бир иложини қилиб Туркияга келганди, Маҳмат Маъруф учун бу мумкин бўлмади. Гулнорни ҳам ахтараётган эдилар. Гулнор Ўғузга ҳеч нарса айтмади. Нима бўлса ҳам, Ўзбекистонга қайтиб, ўлкаси учун меҳнат қилишга бел бошлаганди. Гулнор бошида ғалати оғирлик ҳис этди, ётоққа узанди. Ўғуз узоқда эди. Хур ва бой ўлкада, дунё гўзали бир хоним билан айланиб юрарди. Кошки, Гулнор ҳам улар билан кетсайди... Маҳмат Маъруф севимли ва серҳаяжон ёзувчи эди. Оқшом дастурхонларида Турк бирлиги учун қадах кўтаришни таклиф этарди. Сўнги кунларда атрофида тузоқ чамбари торайганига қарамай, у турк бирлиги учун қадах кўтаришга давом этганди. Қизик, турмада ҳам турк бирлиги ҳақида гапирётганмикин?... Ойдон Ори нақадар гўзал хотин эди! Оппок бадани, узун киприклари, овал юзи ва дуркун қомаги билан Афродита каби денгиз кўпигидан яратилгандай эди. Ойдон айна пайтда истеъдодли меъмор эди. Ҳам гўзал, ҳам истеъдодли ва ақлли хотин. Нечун бу хотинга илиниб қолдим, деб ўйлади Гулнор... Куёш энди бу ерни тарк этиб, Ўғуз ва Ойдон кетган мамлакатга йўл олганди. Йўқ, аввал у Туркияга нур сочажак эди. Балки, Анвар Муроднинг дерзасига урар ўз нуруларини. Дарвоқе, нега Туркияда Анвар Муродга учрамадим, деб ўздан сўради Гулнор. Бу вафосизлик эмасми? Бир неча ойдир ватанидан айри тушган Анвар Мурод албатта Гулнордан Ўзбекистон ҳақида баъзи хабарлар олишни истаган бўларди. Нима бўлса ўша “Америка саёҳати”дан бўлди. Гулнор Мармарисдан қайтиб келаётганда Анвар Муродга учрашни ўйлаган эди, аммо Ўғуз “Сени кузатмасдан кетмайман”, деди ва, мана, кузатди, ўзи Америкага кетди, Анвар Мурод Туркияда қолди. Эшикни қаттиқ тақиллатишди. Гулнор эшикни очар-очмас, ичкарига Қорлиғашов отилиб кирди. Гулнор гайририхтиёрий бир ҳаракат-ла орқага чекинди.
–Қандайсиз энди, ўртоқ Кунбоева?, – деди Қорлиғашев.

–Ўртоқ-мўртоқ йўқ энди, жаноб Қорлиғашев, мен яхшиман, сиз ҳам яхшига ўхшайсиз, – деди Гулнор.
–Бўпти ундай бўлса. Ишимизни давом эттиришимиз мумкин. Туркиядан бизга нима хабарлар олиб келдингиз? – деди Қорлиғашев.
–Бу ишларни унутдик деб ўйлагандим. Сиз ўзгармабсиз. Сизга, жаноб эмас, ўртоқ дейишим керак, ўртоқ Қорлиғашев, – деди Гулнор.
–Сизлар ҳамма нарса бирдан ўзгариб, бизнинг эътиборимиз қолмайди деб ўйладингиз, шундайми?, – деди захарханда билан Қорлиғашев.
–Бугун ўзгармаган бўлса ҳам, эртага мутлақо ўзгаради, сизнинг давронингиз ҳам узоқ давом этади деб ўйламайман. Энди руҳсат этинг, мен озгина дам олмақчиман, – деди Гулнор.
–Саволларимга жавоб бермасдан бунинг иложи йўқ, – деди Қорлиғашев. Қорлиғашевнинг овози юмшаганди.
–Сиз билан шартнома тузганимиз йўқ, – деди Гулнор.
–Гулнор. Сизни эски кунларимиз ҳурмати қўллаяпман. Акс ҳолда бу саволларни идорада берардим сизга. Шундай экан, мени ҳам, ўзингизни ҳам ёмон ахволга қўймай.
–Нима саволингиз бор?, – деди Гулнор.
–Анвар Мурод нима қилапти?
–Анвар Муродни кўрмадим.
–Туркияда эканини билардингиз, шундайми?
–Ҳа, билардим, лекин уни кўрмадим.
–Бунга ишонади деб ўйлаяпсизми?
–Ишонинг, ўртоқ Қорлиғашев. Мен унга вафосиз бўлганим учун телефон қилмадим.
–Туркияда ким билан бирга эдингиз?
–Ўғуз Думон билан.
–Ўша ёш олим... хали ҳам кўришяпсиз у билан. Демак, анави сарик тўнғизни ҳам кўргандирсиз?
–Сарик тўнғиз ким?
–Тургут Денизни унутдингизми?
–Йўқ унутмадим. Фақат уни кўрмадим.
–Тушунарли. Кўзингизга қараб юринг. Гоҳ-гоҳ сиздан информация сўраймиз, бунга тайёр бўлинг. Ювош бўлинг. Акс ҳолда ўзингизга қийин бўлади... Қорлиғашев чиқди.
Гулнор ўзини ёстикка отди. Ҳа, йўл узун эди, хали жуда узун эди. Москванинг ўлакса хур қарғалари хали ҳам бу ерда ўз ҳукмларини ўтказётганди. Демак, хур ва демократик жамиятга айланиш дарров бўлмас экан. Гулнорнинг энг яқин кўмакчиси Анвар Мурод юрт ташқарисидан, дўстлари турмада. Турмага тушмаган дўстлари билан бемалол гаплашолмасди. Улардан баъзилари ўлкада ҳукмдор режим талабига мос қадам ташлай бошлагандилар. Тўғриси, улар шунчалик хуррият бизга кифоя деб билишарди... Қозондаги ўрмонда абадий қолсалар яхши бўлмасмиди, Ўғуз билан?... Узун қоронғуликка осилиб қолди Гулнорнинг кўзлари ва ёноқларидан иссиқ томчиларнинг юмалай бошлаганини ҳис этди.
(Давоми келгуси сонда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Ҳадиси шарифда: “Касалларингизни еб-ичишга зўрламанг. Зеро, Аллоҳ уларни едиради ва ичиради”.

Ва: “Бир кимсанинг тўхтамай уч кеча иссиғи чикса, онасидан туғилгандай гуноҳлардан покланади”.

Яна: “Олов олтин ва кумушни кирлардан тозаланидир, кулнинг касаллиги унинг ҳатоларини кетказди”.

Ва: “Оз ейиш оз гуноҳдир”, дейилади.

Бу ҳадисларда ҳатто, гуноҳ ва касаллик айна маънода қўлланилмоқда. Бу ҳолда, дори ичиб ёки амалиёт йўли билан соғлом бўлишни кутиш ҳақсизликдир.

“Касаллигингиз - гуноҳлар, дорингиз (шифоингиз) - истиффор эканини унутманг.”

Бир аёл Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг олдиларига келиб: “Меннинг тутқаноғим бор. Вақти келганда кийимимни ечиб ташлайман.

Аллоҳга дуо қилинг”, деди. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Хохласанг, сабр қил: сенга жаннат берилсин. Хохласанг, сенга шифо бериши учун Аллоҳга дуо қиламан”, дедилар. Аёл: “Ундай бўлса, сабр қиламан”, деди.

Бу аёл жаннат эвазига Аллоҳдан шифо истамай, сабр қилишни танлаган. Биз эса озгина хасталансак, сабабини суриштирмасдан, дориларга ёки амалиётга (операцияга) чопамиз ва... жаннатни умид қиламиз! Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир кишига икки табиб келтириб, “Бу одамни даволанг”, дедилар. Табиблар: “Эй, Расулulloҳ, бизлар жоҳилият пайтида дори тайёрлардик, касалликни даволардик. Исломга кирганимиздан бери таваккални танладик”, дейишди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Уни даволанг”, деди. Демак, касалликка сабр ва таваккал энг мукамал танловдир, аммо таваккал қила олмаганларнинг даволаниши ҳам жоиз. Фақат даво изларкан, “Ҳаром билан даволанманг”, деган ҳадиси-шарифни унутмаслик керак. Кам ейишни бошлаганлар бу ҳадислардаги ҳақиқатларни қисқа пайт ичида тушуниб олишади. Тарихнинг ҳеч бир даврида бизнинг замонимиздаги каби зарарли, тўқин ва турли таомлар бирдангина истеъмол қилинмаган. Бугунги инсон жигари - ахлат челагига, вужуди эса - касаллик қопига айланган. Бу ҳолатдан дори ёки амалиёт билан кутулишни режалаш фожеа миқёсини қааррай олмасликдан келиб чиқади.

Кўп ейиш ва нотўғри озикланиш одатини ташламасдан, ошқозон ва ичаклар даволанмасдан, ҳазм тузатилмасдан, жигар тозаланмасдан, рўза тутмасдан ҳеч бир таом, табиий бўлса ҳам, ҳеч бир дори ёки ўсимлик баданнинг яхшилишини таъминлай олмайди. Соғайишни Аллоҳ Таъоло томонидан ҳар бир жонзотнинг баданига жойлаштирилган соғайтириш ускунаси амалга оширади. Қолган воситалар фақатгина соғайиш пайтида ёрдам қилишади.

Аллоҳ Таъоло Одам (а.с.)ни яратиб, унга озукалар яратди. Турли овқатлар учун турли ҳазм аъзоларини тайёрлади. Бу аъзоларни ўзгартириш ёки уларга бирон нарсани қўшимча қилишнинг имкони йўқ. Демак, уларга суянишдан бошқа чорамиз йўқ.

АСОСИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР

“Енглар, ичинглар, фақат исроф қилманглар. Аллоҳ исроф қилганларни ёмон кўради”. (“Аъроф” сураси, 31 оят). “Эй, иймон келтирганлар! Агар сиз ёлғиз Аллоҳга қуллик қилсангиз, сизга берган ризқларнинг яхши ва тозаларидан энг ва Аллоҳга шуқр қилинг” (“Бақара”:172 оят). “Бас, Аллоҳнинг оятларига ишонган кимсалар бўлсангиз, Аллоҳнинг номи устига зикр қилинган таомлардан энг”. (Анъом:118 оят).

Сув

Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) “Бу дунёда ва нариги дунёдаги энг яхши ичимлик сувдир”, деганлар. Ер юзида сув кўп, аммо ҳамма сув ҳам ичилавермайди. Чунки метаболизм фақатгина муз структурали сув, яъни энгил сув билан соғлом ишлаши мумкин. Инсон вужуди ўзининг барча фаолиятларини ягона эритувчи бўлган сув воситасида амалга оширади. Бадан намлигининг мувозанатда сакланиши, таомларнинг ҳазм қилиниши, озик моддаларнинг сўрилиши ва ҳужайраларга етказилиши, ортиқча ва зарарли моддаларнинг эритилиб, ташқарига чиқариб юборилиши шулар жумласидандир. Протеин молекулаларини инсон вужудида бирлаштириб, тутиб турган нарсани энгил, муз структурали сувдир. Бинонинг қурилишида цементнинг сифати қанчалик муҳим бўлса, инсон вужуди қурилишида ҳам сув сифати шунчалик муҳимдир. Цемент сифатли бўлса, бино юз йиллаб туради, сифатсиз бўлса, қисқа вақтда бузилиб кетади.

Сув молекулалари қувват боғи билан бир-бирига боғланиб, структурали қафас ташкил қилади. Молекулаларни бир жойда тутган қувват боғи ташқаридан келган ижобий ва салбий таъсирларга очик ҳолатдадир.

Сувни энгил ёки оғир ҳолга келтирадиган нарсани қувватнинг ижобий ёки салбий бўлишидир. Япон тадқиқотчиси доктор Масару Эмото йикқан сув намуналарини музлатиб, расмини олган. Табиий оққан сувлар чиройли кристаллар ҳосил қилган. Қран суви эса кристаллашмаган, кристаллашса ҳам бузук кристаллар ҳосил қилган. “Севги”, “Шуқр” ва “Фаришта” сўзлари битилган этикетлар ёпиштирилган шишаларга солинган сув чиройли кристаллар ҳосил қилса, “Шайтон” сўзи ёзилган этикеткали шишадаги сув қоп-қоронғу тешик шаклини олган. Сув турли мусиқа ва расмларга ҳам турли реакциялар кўрсатган. Телевизор, компьютер, мобил телефон ва микротўқинли печдан тарқалаётган электромагнит тўқинларнинг сувга кўрсатган таъсирларининг расмлари ҳам шу услубда олинган.

Бу расмлардаги кўриниш “Шайтон” сўзи натижаларига жуда ўхшаш. Ташқаридан келган сўз, мусиқа, электромагнит тўқинлар ва образлар шишадаги сувни қандай таъсирлантирса, инсон вужудини ташкил қилган 70% сувни ҳам айна шаклда таъсирлантиради. Оддий ёзувлар, сўзлар сувга шунчалик таъсир қилса, “Аллоҳ” каломини, Қуръон оятлари сувга қандай таъсир этишини тасаввур қилаоласизми?

Дарҳақиқат, Қуръон ўқилган сув билан барча жисмоний ва руҳий касалликларни даволаш мумкин. Илмий тадқиқотларга кўра, қўлланилган сув руҳ, бадан ва зеҳн соғлигига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Касал баданда суюқлик айланиши турғун ҳолга келиб қолгани маълум бўлган. Соғлом бўлиш учун бадандаги 70% сувни тозалаб, энгиллаштириш керак бўлади. Фақат манбасидан олинган сув тоза бўлади. Сувларнинг энг устунни замзам сувидир. Тоғ музларидан ва эриган қорлардан дарёларга оққан сувлар соғлом сувлардир. Ҳусусан, тепа булоқлардан, пастга, тошларга тушган, тез ва кўп оққан, тўхтамай ҳаракатда бўлган энгиллашган сувлар соғлиқ учун фойдали ҳисобланади. Ёмғир суви ҳам энгил сувлардандир.

(Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Аммо ёмғир сувини ёмғир ёғишни бошлаганидан 15-20 дақиқа кейин олиш керак бўлади. Чунки бошдаги томчилар билан ҳаводаги кирлар тозаланади. Ёмғир суви ич кетишини (диареяни) тўхтатади, жигар ва буйрак касалликларини енгиллаштиради. Булоқ сувини топиш имкони бўлмаганлар учун энг енгил, энг фойдали ва таъми ширин сув - муздан эритилган сувдир. Эмалли идишларга сув тўлдириб, музхонада музлатилиб, сўнгра эритилади ва тагига тушган қолдиқлар ташлаб юборилади. Сув эриганидан 10-12 соат жонли қолади, кейин эса оғирлаша бошлайди ва таъми ўзгаради. Сув оғирлашишининг олдини олиш ва уни шифоли ҳолга келтириш учун сувга Куръони Карим ўқиш керак. Қатик суви, мева ва сабзавот сувлари енгил, жонли ва шифоли сувлар ҳисобланади. (Янги мева, сабзавот, тарвуз ва қовун еган кишининг сувга эҳтиёжи қолмайди) Юқори сифатли сув бўлмаган жойларда мева, сабзавот, тарвуз ва қовун ейилса ёки мева сабзавот сувлари ичилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Кўл суви, ҳаракатининг озлигидан оғир сув ҳисобланади. Ер ости сувларининг, ғор ва қудук сувларининг таркиби эса қаттиқ бўлади. Дарё суви билан қудук сувининг қоришмаси, қайнатилган ва қайнатилмаган сувларнинг аралашмаси, ичига муз солинган сувлар соғлиқ учун зарарлидир. Чунки турли таркибли сувларни бир пайтда ичмоқчи бўлган киши 4-5 соатлик танаффус билан ичиши керак-ки, биринчи ичилган сув иккинчиси келишидан аввал танани тарк этган бўлсин. Идишларда сақланиб, дўконларда сотиладиган сувлар энг оғир сувлар ҳисобланади. Вужуд бу сувларни енгиллатишда қийналади, кўп қувват сарфлайди, тез қарчайди ва қарийди. Бу сувларни жонлантириш учун сувни ўқиш ёки қайнатиб, кейин музлатиш ёки ичишдан аввал пиёладан пиёлага 3-7 марта “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”, деб, ҳаракатлантириш керак. Бу ҳаракат сувдаги салбий қувватларни кетказиб, сувни енгиллатади. Ҳар таҳорат олгандан сўнг бир неча ютум сув ичиш суннатдир. Бомдод номози пайти, таҳорат олгандан кейин ичилган бир неча ютум сув ичаклардаги ахлат ва газни ҳаракатлантириб, чиқариб ташлайди. Катта таҳоратда қабизлик муаммоси бўлганлар эрталаб ярим ёки бир пиёла совуқ ё илиқ сув ичишлари керак. Соғлом ва ёш бўлиш учун кишининг кунда 1-2 пиёла енгил (ўқилган сув, ёмғир суви ёки муздан

янги эритилган сув ҳам бўлади) сув ичишга ва совуқ сувга одатланиши керак. Совуқ сувнинг жойини ҳеч нарса тўлдира олмайди. Расулulloҳ (с.а.в.) сувни уч нафасда ичар, унинг тўйимли, касалликлардан сақловчи ва соғлиққа фойдали эканини айтар эдилар. Сувга бўлган эҳтиёж инсоннинг соғлиғига ва еган нарсаларининг миқдорига боғлиқ. Инсон танаси худди Ер шари каби 70% сувдан, 30% қаттиқ моддалардан иборат. Яъни ҳар 30-40 грамм қаттиқ таомга 60-70 грамм. сув аралаштириш керак. Мева ва сабзавот сувлари ҳам сув ҳисобланади. Ҳаддан ташқари кўп сув ичишда яхшилик йўқ, чунки сув қонга аралашиб қон миқдорини орттиради. Қоннинг ортиши юракнинг қон айлантиришини қийинлаштиради ва юракнинг ризқини (уришлар сонини) тез тугатади. Касал бўлганда шифо топиш ниятида қолдиқларни эритиш ва чиқариш учун 1-1,5 литр сув (мева-сабзавот суви билан) ичса бўлади. Фақат соғайгандан кейин сув миқдорини зудлик билан камайтириш керак бўлади. Етти ҳолатда сув ичиш касалликларга сабаб бўлади: Чарчаган ва терлаган ҳолда, ҳаммомдан сўнг, ейиш пайтида, овқатни еб бўлган захоти, мева ва қовун егандан сўнг, туриб ва уйқудан уйғониб қовун сув ичиш касалликларга сабаб бўлади. Бу ҳолатларда эҳтиёж бўлса, бир неча кичик ютум ичиш мумкин. Кунига 2 марта, эрталаб ва емакдан 1,5-3 соат кейин сув ичиш киши табиатига энг мувофиқ ва тўғри тартибдир. Сув эрталаб ичилса, ичакларнинг ишлашига, таомдан 1,5-3 соат кейин ичилганида ҳазмга ёрдамчи бўлади. Таомдан аввал сув ичса бўлади. Фақат бу ерда бир нарсага эътибор қилиш керак: Таомни хидлагандан кейин сув ичиш тўғри эмас. Чунки пишаётган таом ҳиди чикса, оғиз ва ошқозонда дарров ферментлар ҳосил бўла бошлайди. Ичилган сув бу ферментларни ичакка олиб кетиб, ҳазмни қийинлаштиради. Бундай пайтларда кўпи билан бир қанча кичик ютум сув ичиш мумкин. Маъдан сувлари қонни тозалайди, яраларни ёпади, бадан хидларини кетказиши. Фақат кунда бир пиёладан кўп маъдан суви ичмаслик, буни ҳам ҳар кун ичмаслик керак. Кишининг соғлиғига қараб, доктор тавсияси билан маълум маъдан сувлари керакли миқдорда ичилади. Олтингугурт булоқли сувлар талок оғриғига, шишига, жигар

касалликларига, ревматизм, фалаж (паралич), аллергия, яралар, бўғин ва тери касалликларига шифо бўлади. Денгиз суви ҳам олтингугурт сувидек таъбир қилади. Таркибида темир ва мис бўлган маъдан (қайнарбулоқ) сувлари буйрак, талок ва ошқозон учун фойдали. Ёшларнинг совуқ сув билан таҳорат олишлари ва ғусл қилишлари ҳам жуда фойдали. Совуқ сув, асаб касалликларига, буйрак ва тухумдон яллиғланишига, бошқа яллиғлантирувчи ва ҳароратни оширувчи касалликларга яхши даводир. Аммо сил (туберкулез), тутқаноқ ва жигар касалликлари билан оғриганлар тузалмагунларича совуқ сув ишлатмасликлари керак. Оғир касалликдан чиққанлар, жарроҳликдан чиққан қуввати кам кишилар ва қарияларнинг илиқ сув ишлатишлари мақсадга мувофиқ. Соғлом кишиларнинг эса, иссиқ сувга эҳтиёжи йўқ. Бўлганида эди, Аллоҳ сувни иссиқ қилиб яратар эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) қуёшда иситилган сув билан таҳорат қилишни ёки ғусл қилишни маън қилганлар ва қуёшда исиган сувнинг тери касаллиғига сабаб бўлишини айтганлар. Имом Шофъий қуёшда исиган сув билан таҳорат қилишни макруҳ ҳисоблаган, ҳатто бу сув билан кийимларни ҳам ювишни муносиб кўрмаганлар. Бугунги докторлар эса, инсонларга қуёшда ойларча қолиб кетган шишадаги сувлардан кунига 3-6 литр ичишни тавсия қилишмоқда!!! Охириги йилларда ичимлик сув-ларининг чиришини олдини олиш ва тозаланини сақлаш мақсадида сувга карбон нанопарчалар қўшилмоқда. Оғиз йўли билан танага кирган карбон нанопарчалари тўқималарга тўпланиб, хужайралардаги метаболизмга аралашиб, мутацияга олиб келиши мумкин. Масаланнинг яна бир ғалати тарафи шундаки, кўпгина суверен давлатларнинг сув манбалари бегона ширкатлар тарафидан сотиб олинди, бу сувлар фақат ўша ширкатларга маълум услублар билан “тозаланиб”, ишловдан ўтказилиб, халққа тақдим этилмоқда. Демак, замонамизда сув устида исталган стратегик ўйинни амалга ошириш мумкин ҳолга келди.

Ойдин СОЛИХ,
“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан

(Давоми келгуси сонда)

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош